

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС

ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ КАФЕДРАСИ

МАМАТҚУЛОВА РАЪНОНИНГ

**5220200-тарих таълим йўналиши бўйича бакалавр даражасини олиш
учун**

“АҲАМОНИЙЛАР ДАВРИ ТАРИХШУНОСЛИГИ

(Ўрта Осиё сатрапликлари мисолида)” мавзусидаги

Битирув малакавий иши

Илмий раҳбар: ўқитувчи

Одилжон Абдувоҳидович Хамидов

Термиз – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3–6
1-БОБ. Аҳамонийлар давлатининг вужудга келиши ва сиёсий тарихи	7-33
1.1. Аҳамонийлар давлати сиёсий тарихи ва давлат бошқарув тизими.....	7 -21
1.2. Қадимги форс битикларида Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар.....	22-33
2-БОБ. Аҳамонийлар даври Ўрта Осиё тарихи тарихшунослиги	49-72
2.1. Аҳамонийлар даврида Бактрия.....	34-46
2.2. Аҳамонийлар даврида Хоразм.....	47-52
ХУЛОСА	53-54
Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар	55-58
Илова	59-66

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов ўзбек давлатчилиги тарихини ўрганишни энг долзарб масала сифатида эътироф этиб, бу масалани давлат сиёсати даражасига кўтарди: **«Ўзбек давлатчилиги қайси асрда пайдо бўлди? Қандай тарихий босқичларни босиб ўтди? Мутахассислар, балки, тушунтириб берарлар, балки аниқ жавоблари бордир? Тарғибот, ташвиқот ишларини олиб бораётган олимлар, балки, аллақачон бир фикрга келишгандир? Лекин ҳозирча на матбуотдан, на дарсликлардан мен мана шу саволларга жавоб тополмадим»**¹. Президентимиз томонидан қўйилаётган бу масала тарихчилар олдига катта вазифа ва масъулият юклайди. Дарҳақиқат, мустақиллигимизгача бўлган даврда тарихчилар ўзбек давлатчилиги тарихини, айниқса унинг пайдо бўлиш ва шаклланиш босқичларини ўрганишга етарлича эътибор бермасдан келдилар.

Маълумки, археологлар қадим тарихимизга оид бир катор, илгари фанда номаълум бўлган маданиятлар, цивилизациялар тарихини ўргандилар.

Битирув малакавий ишнинг мақсад ва вазифалари. Ишнинг асосий мақсад ҳамда вазифаси ўрганилаётган мавзу бўйича тарих ва археология фанларида мавжуд барча маълумотларни тўплаш ва уларга илмий-танқидий ёндашишдан иборат. Шу билан бирга танланган мавзу бўйича назарий билим ва қарашларни шакллантириш, Аҳамонийлар даврида давлатчилик институтларининг такомиллашган формаларининг Ўзбекистон ҳудудига кириб келишининг салбий ва ижобий томонларини янги археологик ва ёзма манбалар асосида ўрганиш ишнинг асосий мақсад ва вазифаларига киради.

¹ Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 138-бет.

Қўлланилган илмий услублар. Археологик манбалардан фойдаланишда таққослаш услуби ишда устуворлик қилишига эътибор қаратилди.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. А.Сагдуллаев ва Ў. Мавлоновларнинг “Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи” (қадимги даврлардан XIX асрнинг ўрталарига қадар) номли ўқув қўлланмаси нашрдан чиққан². Қўлланмада бошқарувнинг иқтисодий, ижтимоий, ҳарбий-сиёсий ва ҳудудий функциялари, давлатчиликнинг илк босқичларидан бошлаб XIX асрнинг ўрталаригача бўлган тарихий даврда давлатчиликнинг ривожланиш қонуниятлари ва хусусиятлари, давлат бошқарувининг мазмун ва моҳиятлари очиқ берилган.

Президент И.А. Каримов ташаббуси билан ташкил этилган ва ЎзР ФА Тарих институти томонидан доимий ўтказилиб келинаётган академик Яҳё Фуломов номидаги «Ўзбек халқи ва давлатчилиги тарихи» Республика илмий семинарида давлатчиликнинг у ёки бу долзарб муаммолари муҳокама қилиниб келинмоқда. Афсуски, бу семинарларда Ватанимиз ҳудудида сатрапларнинг шаклланиши масаласига жуда кам эътибор берилмоқда.

Битирув малакавий ишнинг илмий манбалари. Геродот ва бошқа юнон тарихчилари қолдирган маълумотлар, М.А. Дандамаев, Ричард Фрай, В.В. Струвенинг Аҳамонийлар тарихи бўйича тўплаган маълумотлари ишнинг илмий асосини ташкил этади.

Илмий янгиликлар. Ўрта Осиё халқларининг Аҳамонийлар империяси таркибига киритилиши ва унда тутган ўрни тарихшунослиги хулосалари асосида ёритилди.

Битирув малакавий ишнинг тузилиши. Иш кириш, 2 боб, 4 параграф хулоса, фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати ва иловадан иборат.

²Сагдуллаев А, Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврдан XIX асрнинг ўрталарига қадар). Тошкент, 2006.

Президент И.А. Каримовнинг бир гуруҳ тарихчи олимлар ва оммавий ахборот ходимлари билан учрашувидан сўнг унинг «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» номли асари чоп этилди. Бу асар тарих фани ривожига янгидан-янги илмий йўналишлар, тарихга муносабат масаласида янги қарашларнинг пайдо бўлишига асос бўлди.

Қадим тарихимиз борасида Юртбошимизнинг айтган фикрлари биз археолог-олимларга дастуруламал бўлиб қолмоқда. **«Бугунги бой маданиятимиз қайси цивилизациянинг маҳсули? Шундай маданият бор экан, уни шу заминда яшаган халқ яратганми ёки у бўм-бўш жойда пайдо бўлганми?»**³ деган саволларга фақат археологларгина жавоб бера олади. Негаки, биз цивилизациялар тарихи муаммолари билан моддий манбалар асосида шуғулланамиз. Цивилизациялар тарихини яратишда Президентимизнинг қуйидаги гаплари иш услубимизга айланиб бормоқда: **«Ҳар қандай цивилизация кўпдан-кўп халқлар, миллатлар, элатлар фаолиятининг ва ўзаро самарали таъсирининг маҳсулидир...»**⁴.

Тарихчи олимлар **«...сизлар миллатимизнинг ҳаққоний тарихини яратиб беринг, токи у халқимизга маънавий куч-қудрат бахш этсин, гурурини уйғотсин. Биз юртимизни янги босқичга, янги юксак маррага олиб чиқмоқчи эканмиз, бунда бизга ёруғ ғоя керак. Бу ғоянинг замирида халқимизнинг ўзлигини англаши ётади. Ҳаққоний тарихни билмасдан туриб эса ўзликни англаш мумкин эмас»**⁵. Президентимиз ҳаққоний тарихимизни барпо этиш ишларини нимадан бошлаш кераклиги хусусида фикр юритиб таъкидладики, **«энг аввал кўп минг йиллик бой ўтмишимизни тадқиқ этишнинг яхлит концепциясини, яъни дастурини, илмий изланишларнинг услубини, қўйилаётган вазифани амалга оширадиган илмий муассасалар, улардаги потенциал, кадрлар масаласини аниқлаб олишдан зарур... Аниқ, босқичлари белгиланган**

³Каримов И.А.Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 146-бет.

⁴Каримов И.А. Ўша асар. 146-бет.

⁵Каримов И.А. Ўша асар. 153-бет.

дастур асосида ҳар томонлама тадқиқотлар олиб борилади»⁶. Иш услубимиз аниқ, тарихимизни яратишнинг дастурий йўл-йўриқлари ёрқин кўрсатиб берилган. Демак, гап энди ҳар бир илмий муассаса етук кадрлар билан таъминланишида, танланган мавзулар бўйича илмий ишларни ҳар томонлама пишиқ-пухта ташкил этишларида қолган.

⁶Каримов И.А. Ўша асар. 153-бет.

1-БОБ. Аҳамонийлар давлатининг вужудга келиши ва сиёсий тарихи.

1.1. Аҳамонийлар давлати сиёсий тарихи ва давлат бошқарув тизими.

Ўрта Осиё халқлари мил.авв. VI-IV асрлар мобайнида Аҳамонийлар империяси таркибида бўлган. Бу даврларда Ўрта Осиё халқлари, жумладан ўзбек давлатчилиги тарихида бир қатор ўзгаришлар юз бердики, бу даврни давлатчилик тарихидаги учинчи давр - империялар босқичи деб тадқиқотларда таъкидланади. Бу давр ерли халқлар давлатчилигининг табиий ривожланишига барҳам берилиши ва давлат бошқаруви усулида Аҳамонийлар амалиётининг кириб келиши билан характерланади.

Аҳамонийлар империясининг асосчиси Кир мил.авв. 558 йилда пасаргад, марафи, пасти каби форс қабилаларини бирлаштириб, уларнинг шоҳига айланди. Шоҳлик даврининг аввалида у Мидия подшоҳи Астиагга вассал, мил.авв. 550 йилда унга қарши кўзғолондан сўнг Мидияни ҳам ўзига қаратиб олди. Мил.авв. 549 йилда Элам, сўнгги икки йил ичида эса Мидия давлати таркибида бўлган Парфия ва Гирканияни, мил.авв. 546 йилда Лидияни босиб олди. Мил.авв. 545-539 йиллар оралиғида Шарқий Эрон ва Ўрта Осиё вилоятлари - Дрангиана, Марғиёна, Хоразм, Сўғдиёна, Бақтрия, Саттагидия, Арахосия, Гандхара ва Сак қабилалари ерлари ҳам империя таркибига қаратилган бўлса, мил.авв. 539-526 йилларда Бобилдан Мисргача бўлган ерлар ҳам Аҳамонийлар империяси таркибига киритилди.

Мил.авв. 525 йилда Камбиз Мисрни бўйсундириб турган бир вақтда, юнонлар ва ливияликлар ўз ихтиёрлари билан Аҳамонийлар империяси таркибига киришни билдирдилар. Мил.авв. 519-512 йиллар мобайнида форслар Фракия, Македония, Ҳинд ерларининг бир қисмини қўлга киритдилар. Шундай қилиб, VI аср охирида Аҳамонийлар империяси чегаралари шарқдан ғарбга томон Ҳинд дарёсидан Эгей денгизигача,

шимолдан жанубга томон эса Арман чегараларидан Нил бўйларигача бўлган кенг ҳудудни бирлаштирди⁷.

Аҳамоний подшоҳларининг бунчалик тез ва муваффақиятли ҳаракатларини биз қуйидаги тарихий шароитлар билан боғлаймиз:

■ Форсларнинг энг кучли сиёсий рақобатчиларидан бири бўлган Бобилда сиёсий вазиятнинг ёмонлашиши, яъни подшоҳлик билан диний ҳукумат(Мардук) ўртасида зиддиятнинг кучайиши;

■ Бобил ҳудудида мажбуран ушлаб турилган ҳар хил халқларга мансуб тутқун аҳолининг аҳамонийларга нисбатан ҳайрихоҳлигининг ошиши;

■ Кичик Осиё, Бобил, Финикия каби савдо-сотиқ ривожланган мамлакатларда савдогарларнинг манфаатига аҳамонийлар ҳукмронлигининг мос келиши. Кенг ҳудудда савдони юритиш, савдо йўлларида хавфсизликнинг ўрнатилиши, ягона тўлов воситаларининг, ёзув масалаларининг умумлашув жараёнлари уларнинг аҳамонийлар империясини қўллаб - қувватлашларига асос бўлган;

■ Шоҳлар шоҳи Кирнинг оқилона ташқи ва ички сиёсати. Оссурия ва Бобил шоҳлари ўзлари босиб олган ерларда талон - тарожлик, ёппасига қирғин, бошқа жойларга мажбуран кўчириш билан шуғулланган бўлса, Кир Бобилда аккад тилида чоп этилган «Хартия»сида халққа осойишта ҳаёт ато қилишни ваъда қилади.

■ Аҳамонийларнинг мустаҳкам армияси уларнинг ғалабаси гаровларидан бири эди. Аҳамонийлар ҳудудида яшайдиган эркак аҳолининг кўпчилиги ҳарбийларга айлантирилиши, қўлга киритилган ҳудудларда ҳам шу сиёсатнинг олиб борилиши, ўн минг сонли яхши қурулланган «енгилмас» армиянинг ташкил этилиши, ижтимоий жиҳатдан армия таркибининг кескин фарқ қилмаслиги ҳарбий муваффақиятнинг асосларидан бири ҳисобланади;

⁷Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов. Изв. АН СССР, 1946, №3. С.229-250; Струве В.В. Восстание в Маргиане при Дарий I. Материалы ЮТАКЭ. Вып.I, Ашгабад, 1949. С.9-34; Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н.э.). М., 1963; Грантовский Э.А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. М., 1970; Дьяконов М.М. Очерк истории древнего Ирана. М., 1961; Дьяконов И.М. Истории Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. М.,Л., 1956; Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. М.,Л., 1959. С.140-149.


■ Диний эркинликнинг яратилиши, бузилган ибодатхоналарни тиклаш, янгиларини қуриш каби ишларнинг олиб борилиши Кирнинг обрўсини халқ орасида ошириб юборди ва форслар уни «отамиз», бобилликлар «Мардук худосининг ердаги вакили», юнонлар «буюк давлат арбоби, империя асосчиси», яҳудийлар «Яхве худосининг ердаги вакили» деб атай бошладилар.

■ Ибодатхоналарнинг иқтисодий ривожланишига давлат томонидан йўл бермаслик ва фақат диний мафкурани ривожлантиришга шарт-шароитлар яратиш.

Кир ҳукмронлиги даврида, у қўлга киритган ҳудудларда яшаган аҳоли диний ва ижтимоий жиҳатдан турли тоифаларга хослиги билан характерланади. Аҳамонийлар империясига қадар ҳам давлатчилик институтлари бўлган Кичик Осиё, Элам, Бобил, Сурия, Миср каби мамлакатлар билан бир қаторда уруғчилик даражасида бўлган араблар, скифлар ёки саклар ягона империя таркибига кирди ва уларни бошқаришнинг ечимини топиш давр талаби эди. Шу вазиятдан келиб чиқиб, Кир империя таркибидаги ривожланган мамлакатларни бошқаришда давлатчиликнинг жойлардаги усулларини сақлаб қолди, ривожланган мамлакатларни бошқаришнинг ўзларини-ўзи бошқариш усулини қўллади.

Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш қилиш усули. Шу кунгача аҳамонийларнинг давлатни бошқариш усуллари ва империя тарихи бўйича маълумотлар ҳеч бир ўзгартирилмасдан қоғоздан-қоғозга ўтиб келмоқда. Шу давр бўйича тадқиқотчиларнинг йўқлиги, айниқса тарихчи-тадқиқотчиларнинг йўқлиги масалани янада оғирлаштиради. Масалан, ўрганилаётган мавзу бўйича аҳамонийларнинг марказий давлат бошқаруви қуйидаги кўринишда ифодаланиб келинмоқда:

Аҳамонийлар империясининг давлатни бошқарув усули



Қадимги эронликларда, умуман шарқ халқларида шоҳ маълум уруғлар, яъни ҳукмронликка даъвогар, ҳукмронликка тааллуқли уруғлар орасидан, халқ йиғинида сайланган («Қага» - халқ-қўшин). Аҳамоний урф-одатига кўра, бу йиғинда шоҳлар шоҳи сайланган. Шоҳнинг номи нафақат улуғланиб, балки илоҳийлаштирилиб худоларга тенглаштирилган, илоҳларга

«айлантирилган». У давлат билан бир вақтда диний ишларни ва маросимларни ҳам бошқарган. Тож кийиш маросимидан сўнг у «қайта туғилди», деб ҳисобланган. Шоҳ ўлганда эса унинг шарафига доимий ёниб турган алтарлар ҳам ўчирилган. Шоҳни кўмиш маросимида унинг яқин оила аъзолари ёки хизматкорлари ҳам ўзини ўзи ўлдириши лозим бўлган⁸.

Форслар Осиёга ўзларининг мулки сифатида қараган ва Осиёни ҳукмдор форс шоҳининг ерлари сифатида билганлар. Шоҳни «...юқоридан берилган, Ахурамазданинг ердаги сояси ва бутун ернинг эгаси» сифатида билганлар. Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш усули ҳақиқий ҳарбий деспотизмдир⁹. Негаки, аҳамонийларга давлатни идора қилишнинг қонун чиқарувчи, ижро ёки суд органлари каби бошқарув усуллари умуман бегона бўлган. Шоҳ ёки шоҳлар шоҳи бутун ҳокимият эгаси ҳисобланган.

Эсфир маълумотларига қараганда, шоҳнинг атрофида доимий маслаҳатчилар кенгаши бўлган. Маслаҳат кенгаши аъзолари давлатни бошқаришда вазирлик вазифасини бажарган. Улар давлат ишларини бажаришда шоҳдан кейинги бош вазифани бажарган. Бутун жамоатчилик ишлари уларнинг бевосита раҳбарлигида амалга оширилган.

Маслаҳат кенгашидан сўнг еттита сарой оғалари ёки сарой аъёнлари бошлиқлари, яъни шоҳнинг шахсий хизматкорлари турган. Улар асосан шоҳнинг истагини бажаришган. Саройдаги ички хизматлардан тортиб, сатрапликлар ҳудудларида комиссарлик вазифаларини ҳам амалга оширган¹⁰.

Аҳамонийлар империясида давлат миқёсидаги йирик масалалар, жумладан уруш масалалари «кенгаш»да муҳокама қилинган. Бу кенгашга пасаргад уруғи оқсоқоллари, сатраплар, давлатнинг йирик ҳарбий амалдорлари ва ҳарбий аристократлари таклиф этилган. Кенгашда муҳокама қилинаётган масала бўйича кимнинг таклифи қабул қилинса, ўша киши шу

⁸Widengren G. The Sacral Kingship of Iran. «Numen», Supplement, Leiden, 1959, P. 242-257.

⁹Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836, P. 255.

¹⁰Lenormant Ch. Manuel d'histoire ancienne de L' Orient jusqu'aux guerres Mediques. 1836. P. 255.

ишга мутасадди, бошлиқ қилиб тайинланган. У шу ишнинг бажарилишига боши билан жавоб берган.

Кир ва Камбиз замонида Аҳамонийлар империясининг тайинли сиёсий маркази, саройи ҳам йўқ эди. Ҳарбий фаолиятга қараб, шоҳ ҳамда унинг мажлислар ўтказадиган «сарой»и ҳам кўчиб юрган. Кир резиденцияси Экбатанда, Дейок қурдирган саройда жойлашган бўлса, Камбиз Мисрни деярли тарк этмаган. Доро I Суз шаҳрини империянинг пойтахти сифатида танлади ва сарой қурдиришга фатво берди. Персеполни эса ўз династияси аъзоларининг хилхонасига айлантирди ва у ерда ҳам сарой қурдиришга эришди.

Сарой форслар тилида «duvara» деб аталиб, шоҳнинг олдига киришнинг маълум тартиб қоидалари ишлаб чиқилган. Вазирларга тенглаштирилган маслаҳат кенгаши аъзолари, сарой оғалари ва бошқа сарой хизматкорлари сарой дарвозаси олдида, эгаллаган мансаби бўйича қатор туришган. Ишлаб чиқилган қоидага риоя қилмай, шоҳ қабулига киришга уринганлар ўлим жазосига ҳукм этилган.

Шоҳлар шоҳи Доро I аҳамонийлар давлатчилигида янги реформаларни амалга оширди. У бошқарув ва молия ишларини янги поғонага кўтарди, бутун империя ҳудудини сатрапликларга бўлиб бошқариш усулини жорий этди. Сатраплик ҳудудлари собиқ маҳаллий давлатлар ва аҳолининг этник гуруҳлар яшайдиган чегаралари асосида бўлиб чиқилди. Кир ёки Камбиз даврида босиб олинган ерлар маҳаллий ҳукмдорлар томонидан бошқарилган бўлса, янги реформага биноан, сатраплик бошлиқлари форсийлардан тайинланадиган бўлган¹¹.

Сатраплар ва ундаги ҳарбий бошлиқлар шоҳлар шоҳи ва марказий давлат бошқарувининг доимий назоратида бўлган. Давлат бошқаруви ва

¹¹Ричард Фрай. Наследие Ирана, М., 1972.

текширувлар Хазарапад томонидан амалга оширилган. У бир вақтнинг ўзида шоҳлар шоҳининг шахсий гвардиясини ҳам бошқарган.

Жойлардаги сатрапликларни бошқариш усули ва канцелярия таркиби Суздаги бош канцелярия тузилишини айнан такрорлаган, яъни канцелярия бошлиғи, хазинабон, ташаббусни бўғувчилар, ҳисобчилар, судьялар, хуснихатчилар ва бошқалар.

Оромий тили империянинг ягона давлат тили ва ёзувига айлантирилган, деган ғоя Совет шарқшунослиги адабиётларида ўрнашиб қолган эди. Янги маълумотларга кўра, Доро I бир неча тилни империянинг давлат тили сифатида қабул қилишга мажбур бўлган. Кичик Осиёда канцелярия ишлари грек тилида, Каппадокия, Киликия, Сурия ва Фаластинда оромий тилида олиб борилган, Мисрда эса Фиръавнлар замонидан қўлланиб келинаётган иероглифика давом этган бўлса, форсларда ва Ўрта Осиёда миххатсимон ва оромий ёзувлари қўлланилган. Бу маълумотдан шундай хулоса қилиш мумкинки, империя ҳудудида ягона оромий тили канцелярия тили вазифасини бажармаган ва бажариши ҳам мумкин бўлмаган. Негаки, оромий тили ва ёзуви бунчалик нуфузга эришмаган ва бошқа ривожланган халқлар бу ёзувни қабул қилиши ҳам мумкин эмас эди. «Оромий тили аҳамонийлар империясининг ягона канцелярия тили, ёзувига айлантирилди», деган фикрни рус адабиётларидан бошқа адабиётларда учратмадик ва ўйлаймизки, бу рус совет тарихшунослигининг уйдирмасидан бошқа нарса эмас.

Доро I империянинг ҳамма ҳудудида амал қиладиган ягона қонун системасини ишлаб чиқди. Бу қонунни фақат шоҳлар шоҳи худо Ахурамазда номи билан ўзгартириши мумкин бўлган¹².

Аҳамонийлар империяси жамоалари асосан учта ижтимоий гуруҳдан иборат бўлган: 1. Эркин фуқаролар; 2. Қарам кишилар ва 3. Қуллар. Қулларга

¹²Дандамаев М.А. Бехистунская надпись как источник по истории начала царствования Дария I. Автореф. дисс. ... к.и.н. Л., 1958

хайвонлар ва бошқа мулк шакллари сингари шахсий мулк сифатида қаралган, уларни сотиш ёки бировга бериб юбориш мумкин бўлган¹³.

Кир ва Камбизларнинг ҳукмронликлари даврида ягона тартибга солинган солиқ тизими жорий этилмаган эди. Бўйсундирилган халқлар ва элатлар натурал шаклда совға келтиришлари одат тусига кирган бўлса, х.э.ав. 518 йилда Доро I бутун империя учун ягона солиқ тизимини жорий этди. Бу тизимга биноан ҳар бир сатраплик иқтисодий имкониятига қараб солиқ тўлаши мажбур этиб қўйилди. Маълумотларга қараганда, солиқдан келадиган бир йиллик даромад 7740 вавилон талантига ёки 232200 кг кумушга тенг бўлган. Доро I даврида ҳам совға келтириш удуми сақланиб қолган, илгаригидан фарқли ўлароқ энди совға миқдори ва келтириш вақти аниқ қилиб белгилаб қўйилган¹⁴.

Аҳамонийлар империяси даврида ягона пул бирлигини жорий этишга эришилган. Шоҳлар шоҳи томонидан зарб қилинган олтин «дарик»нинг оғирлиги 8,4 граммни ташкил этган. Сатрапликлар ҳам ўзининг кумуш ва мис тангаларини зарб қилиш ҳуқуқларига эга бўлган.

Аҳамонийлар империяси таркибига кирган сатраплар тўғрисидаги манбалар Геродот¹⁵, Бехустун қоя тош ёзувларида, Доро I нинг Нақши Рустам ёзувларида сақланиб қолган¹⁶. Ушбу манбаларда сатрапликлар сони, жойлашишлари ҳамда таркиблари тўғрисида бир-бирига тўғри келмайдиган далиллар ҳам борки, бу ҳар хиллик сабабини тадқиқотчилар сатрапликлар ҳудудларининг ўзгариб турганлигида деб ҳисоблайдилар¹⁷. Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бутун сатрапликларни ўрганиш ушбу диссертациянинг мақсадига кирмайди. Бизнинг тарихимиз учун бевосита

¹³Дандамаев М.А. Социальная сущность переворота Гауматы. ВДИ, 1958, №4. С.36-50.

¹⁴Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980. С.192-194.

¹⁵Геродот, III. 89-97.

¹⁶Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л., 1968; Абаев В.И. Антидэвовская надпись Ксеркса. Иранские языки. Труды Института языка и мышления АН СССР. Т.1. М., Л., 1945. С.134-140; Абаев В.И. Пятый столбец Бехистунской надписи Дария I и Антидэвовская надпись Ксеркса. ВДИ. 1963, №3. С.113-118.

¹⁷Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980. С.110.

тааллуқли бўлган, Аҳамонийлар империяси таркибига кирган Ўрта Осиё худудларида жойлашган сатрапликларнинг (XII, XVI) бошқарув усулларини ўрганиш бизнинг вазифамиз доирасидадир.

«Тарих отаси» қолдирган Аҳамонийлар империяси сатраплари рўйхатида энг яқин қўшни мамлакатлар бўлган Бактрия ва Сўғдиёна алоҳида сатрапликлар сифатида тилга олинади, яъни Бактрия XII, Сўғдиёна эса Хоразм билан бирга XVI сатраплик сифатида талқин қилинади¹⁸. Бу ҳақда тадқиқотчиларнинг турли хил фикрлари мавжуд. В.В. Бартольд ва В.М. Массон бу Геродотнинг хатоси деган фикрда бўлсалар¹⁹, бошқа тадқиқотчилар эса Доро I нинг Марғиёна, Бактрия, Сўғдиёнанинг иқтисодий ва ҳарбий мавқеини бўлиб қўйиш сиёсати натижасида Сўғдиёна XVI сатраплик таркибига киритилган деган фикрда²⁰.

Е.А. Мончадская тузган Бактрия ва Сўғдиёна сатрапликларини бошқарган сатраплар рўйхатидан шуни хулоса қилса бўладики, Аҳамонийлар даврида Бактрия ва Сўғдиёна алоҳида сатрапликлар бўлган, фақат А. Македонский империяси даврида улар бир сатраплик таркибига киритилган ва Александр Македонский томонидан тайинланган Бесс, Артабаз, Клитларнинг сатраплик даврларида ягона сиёсий бошқарув остида бўлган.

¹⁸Геродот, III. 92-93.

¹⁹Бартольд В.В. Сведения об Аральском море и низовьях Амударьи с древнейших времен до XVII в. Соч., Том 3, М., 1965. С.24-25; Массон В.М. Поход Александра Македонского в Среднюю Азию. ИТССР, 1957. С.65.

²⁰Тревер К.В. Александр Македонский в Согде. ВИ, 1947, №5.

Аҳамонийлар империяси даврида Бактрия сатрапларининг рўйхати
(Е.А. Мончадская бўйича)

Бошқарув даври Х.э.ав. йиллар	Сатрапнинг исми	Ким томонидан тайинланган	Тарихий манба
529 – 522	Таниоксарк (Танаоксар- Смердис - Бардия)	Кир, Камбис	Геродот, III, 30 Бехустун ёзуви III, 3
522 – 486	Дадаршиш	Камбис, Доро I	Бехустун ёзуви III, 15
486 – 480	Ариамен	Ксеркс	Плутарх, 173
480 – 465	Масиста	Ксеркс	Геродот, VII, 82
465 – 423	Артапан, Гистасп	Артаксеркс I	Диодор, XI, 69
423 – 335	Маълумотлар йўқ		
335 – 329	Бесс	Доро III	Диодор, XVII, 74

Аҳамонийлар империяси таркибига кирган 21 та сатрапликдан учтаси бевосита Ўрта Осиё ҳудудларига тўғри келади. Ҳар бир сатраплик маълум талант (оғирлик ўлчов бирлиги) миқдорида тўлов тўлаган. 1 талант 25, 92 кг.га тўғри келади. Шундан Бактрия 360 талант кумуш (8972 кг), Харайва (Парфия, Сўғд) 300 талант (7776 кг), саклар 250 талант (6230 кг) кумуш солиқ тўлаган. Бу ҳаммаси бўлиб 910 талант, яъни 23 тонна кумуш

миқдоридаги бойликка тўғри келади²¹. Доронинг курдирган саройини безашда Бактриядан олтин, Сўғдиёнадан лапис, сердолик, Хоразмдан гавҳар олиб кетилганлиги тўғрисида маълумотлар бор²².


Аҳамонийлар империяси даврида сув ҳам пуллик ва ҳисоб-китобли бўлган. Геродотнинг хабар беришича Ак(ес) дарёсига қурилган дамбани очишда шохнинг белгиланган солиқдан ортиқ пул олганлиги тўғрисида маълумотлар бор²³. Келтирилган янги маълумотлар асосида Аҳамонийларнинг марказий давлатни бошқарув усулини қуйидагича ифодалаш мумкин:

²¹Ртвеладзе Э.В. К вопросу о фискальной службе в древней Средней Азии. ОНУз. 1999, № 9-10. С.55.

²²Абаев В.И. Надпись Дария о сооружении дворца в Сузе. Иранские языки. М., Л., 1945. С.130.

²³Геродот. III, 117.

Аҳамонийлар империясининг давлатни бошқарув усули



Канцелярия бошлиғи	Хазинабон	Ташаббуси и бўғувчилар	Ҳисобчилар	Терговчи, судьялар	Солиқчилар
--------------------	-----------	------------------------------	------------	-----------------------	------------

Аҳамонийлар сулоласини ва тарихини ўрганишда асосий манбалардан бири бўлган Бехустун ёзувларида Бактрия тўрт мартаба тилга олинган. Бу ёзувлардан Бактрия давлатчилиги ёки аҳолисининг ижтимоий табақалари тўғрисида маълумотларни ўқий олмасак-да, Суза саройини безашда Лидия ва Бактриядан келтирилган олтинлар, Бактрия таркибида бўлган Марғиёнадаги Фрада бошчилигидаги қўзғолон ёки географик ўрни ва чегарадош мамлакатлари тўғрисидаги маълумотлар бор²⁴.

Геродот асарларидан ҳам Бактриянинг Қадимги Шарқ халқлари орасида ўз ўрни бўлганлигини билиш мумкин. Жумладан, Кирнинг ҳарбий юришлари лозим бўлган мамлакатлар Вавилония ва Миср қаторида Бактрия ва Саклар ҳам санаб ўтилади²⁵. Бактрияликларнинг қурол-аслаҳалари ва ҳарбий қўшинидаги тартиб ҳам Геродот эътиборидан четда қолмаган²⁶. У бактрияликлар яратган моддий маданият Ўрта Осиёда яшайдиган бошқа халқларга ўрناк бўлганлигини айтиб, арийлар, хорасмияликлар, сўғдийлар, гандарияликлар ва дадиклар қурол ясашда бактрияликларга ўхшатиб ясаганлигини мисол қилиб кўрсатади²⁷.

Яқинда академик А.А. Асқаровнинг Қадимги Хоразм тарихига бағишланган, фанда мавжуд бўлган «Қадимги Хоразм» ва «Катта Хоразм» муаммоларига бағишланган мақоласи эълон қилинди²⁸. Мақолада мавжуд ёзма ва археологик манбалар асосида Хоразм тарихининг муаммоли масалалари бўйича тарихчилар ва археологлар ўртасидаги давом этиб келаётган мунозараларга ойдинлик киритилди деб ҳисоблаймиз. Скилак - Гекатей - Геродот, «Авесто» маълумотлари асосида хорасмияликлар

²⁴Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л., 1968.

²⁵Геродот. История в девяти книгах. I, 153. (пер. Г.А. Страновского). Л., 1972.

²⁶Геродот. История в девяти книгах. VII, 64. (пер. Г.А. Страновского). Л., 1972.

²⁷Ўша асар, VII, 66.

²⁸Асқаров А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎзР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2004. 76-84 - бетлар.

Бактриядан жанубда, Ареядан шарқда, Герируд ва Хилменд дарёларининг юқори ҳавзасида, яъни ҳозирги Хирот водийсида яшаганлигини ишончли манбалар асосида исботлаб берилди. Аҳамоний шоҳларининг Хелменд тоғ дараларига тўғонлар қурганлиги, сув эвазига катта божлар талаб қилганлиги, бу тайзиклардан қийналган хорасмийларнинг Хирот водийсидан ҳозирги Хоразм ҳудудига - массагетлар юртига кўчиши ёзма манбалар асосида, у ерда юқори ривожланган деҳқончилик маданиятига, Қўзалиқир, Қалалиқир каби илк шаҳарлар, қалъаларга асос солинганлиги археологик манбалар асосида исботланди.

Зардуштийликнинг ривожланишидаги кейинги босқичлар В.И. Абаев томонидан қуйидагича бўлинган: Аҳамонийлар даврида зароастризм; Сакистон зароастризми; Сосонийлар даврида зароастризм²⁹.

Аҳамонийлар даври зароастризми бўйича қуйидаги фан янгиликлари В.И. Абаев эътиборидан четда қолган кўринади. Сўнгги йилларда Аҳамонийлар империяси марказларидан бири - Персеполь шаҳри харобаларида олиб борилаётган тадқиқотлар натижасида бу шаҳарда ўликни ерга кўмиш одатининг жуда кўплаб сақланиб қолганлиги зардуштийликнинг Эрон ҳудудига, хусусан унинг марказларига ҳам тўлиқ ёйилмаганлигидан далолат беради. Шу билан бир қаторда Бактрияда ҳам зардуштийлик билан бир қаторда Аҳамонийлар даврида ўликларни ёқиш одати сақланиб қолганлигининг археологик манбалари бор. Академик А.А. Асқаров томонидан очиб ўрганилган Пишактепа ёдгорлигини бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бу ерда тадқиқотчилар ёнган одам суяклари маълум урф-одатлар бўйича кўмилганлигининг гувоҳи бўлишган.

Аҳамонийлар империясининг Ўрта Осиёда эгаллаган ҳудудлари ва сарҳадлари масаласини А.С. Сагдуллаев цилиндрсимон шаклли идишларнинг тарқалиш ҳудудлари билан белгилашни таклиф этади³⁰. Худди шу усул билан

²⁹ Абаев В.И. Два зароастризма в Иране. ВДИ, 1990, №4. С.198-207.

³⁰ Сагдуллаев А.С. Усадьбы Древней Бактрии. Ташкент, 1987.

Қадимги Бақтрия подшоҳлиги ҳудудлари ва сарҳадларини аниқласак мақсадга мувофиқ бўлади. Негаки, цилиндрсимон идишлар тайёрлаш фақат Бақтрия ва Марғиёнага хос бўлиб, давр ўтиши билан шу идишларнинг тарқалиш географияси кенгайиб бориши кузатилган, яъни кучук II даврида фақат Бақтрия ва Марғиёна ҳудудлари, кучук III даврида қарвон йўли орқали Сўғдиёнанинг Бақтрияга чегарадош ҳудудларида, кучук IV даврида бутун Сўғд ҳудуди ва сув йўли орқали қадимги Хоразм ҳудудларига тарқалиши кузатилади³¹.

³¹Шайдуллаев Ш.Б. Шимолий Бақтрия илк темир даври археологиясининг айрим муаммоли масалалари хусусида. Ўзбекистон-қадимда ва ўрта асрларда. (Республика ёш тарихчи олимлари анжуманининг маърузалари матн. 16-17 март). Самарқанд, 1992. С.34-36.

1.2. Қадимги форс битикларида Ўрта Осиё халқлари ҳақида маълумотлар.

Қадимги Ўрта Осиё халқлари тарихини ёритувчи илк эпиграфик манбалардан бири Мидиядаги шоҳ Доро I (мил. ав. 522-486 йилларда подшоҳлик қилган) буйруғига биноан қадимги форсий, элам ва бобил тилларида миххатнинг турли кўринишларида тош қояга битилган Беҳистун (Беҳистун) ёзувидир³². У катта деб аталмиш ёзувдан ва бир неча кичик ёзувлардан иборат. Катта ёзувларнинг маъноси бир хил бўлиб, матн уч тилда ёзилган.

XIX асрнинг 30-йилларида ассириология фанининг асосчиларидан бири, шарқшунос Генри Роулинсон битикнинг форсий матнини кўчириб олган ва деярли бутунлай ўқиб чиқишга эришган, бу эса Қадимги Шарқ халқларининг бошқа миххат ёзувларини ўқишда калит вазифасини бажарди. Маъноси бўйича ёзув матни – Аҳамонийлар давлатида асосан мил. ав. 522-519 йилларда бўлиб ўтган ҳодисаларнинг расмий талқинидир. Ёзувнинг асосий қисмида Камбизнинг ўлиmidан сўнг Доро I (Дориёвуш)нинг давлатни қамраб олган кўзғолонлар ва беқарорликка қарши, Форс давлатини сақлаб қолиш учун олиб борган кураши ҳақида ҳикоя қилинади. Ёзувда келтирилган маълумотларни Геродотнинг ушбу ҳодисалар ҳақидаги ҳикояси тўлдиради.

Беҳистун ёзувлари, шунингдек, Ўрта Осиё халқлари тарихидаги муҳим воқеалардан бири бўлмиш Марғиёнада (Марв воҳаси) Доро I даврида бўлиб ўтган кўзғолонни ёритишда бебаҳо манба сифатида хизмат қилади (“Мен Бобилда бўлган вақтимда, мана бу ўлкалар мендан ажралиб чиқди... Марғиёна (Марв)... Саклар ўлкаси”)³³. Беҳистун, Персепол ёзувларини, антик давр ва

³²Беҳистун (Бисутун, Бисотун) қояси ҳозирги Эрон ҳудудида, Ҳамадондан 100 км ғарбда жойлашган.

³³Доро давридаги Марғиёна аҳолисини турли этник келиб чиқишга эга бўлган қабила ва элатлар ташкил қилар эди: массагетлар (“катта саклар”, улар ўзларини бошқа саклардан фарқли ўлароқ шундай атар эдилар) ва яна олдинроқ бу ерга келган шарқий саклар (Геродотга кўра, “амиргийлар”. Эҳтимол, бу атама “Мурғ”, “Мурғоб” ёки “Мурғсув” дарёси номидан келиб чиққан. Бундан яна Марв воҳасининг номи – “Марғуш”, “Марғиёна” ҳам келиб чиққан).

бошқа муаллифлар ахборотларини синчиклаб ўрганиш академик В.В.Струвега ушбу қўзғолон тарихини қайта тиклаш имконини берди.

Марғиёнадаги (Маргос дарёси сувлари оқиб ўтган ва Аҳамонийлар даврида ушбу ҳудуднинг хўжалик ҳаётида муҳим роль ўйнаган Ўрта Осиёнинг йирик воҳаларидан бири) қўзғолон Аҳамонийлар сулоласининг чекка шажарасига мансуб Доро I тахтга ўтирганидан сўнг кўп вақт ўтмай кўтарилган. Доро қўшинларининг қўзғолончилар устидан ғалаба қозонган санаси ҳам маълум: мил. ав. 522 йил. Лекин бу ғалаба қўзғолончиларнинг буткул тор-мор этилганини билдирмайди. Қўзғолончилар раҳбари Фрада 522 йилдан кейинроқ асир этилган³⁴. Қўзғолоннинг келиб чиқишига Ўрта Осиёнинг эркесвар халқлари келгинди Аҳамонийлар ва улардан аввалги мидияликлар ҳукмронлигига узоқ вақт мобайнида кўрсатган қаршиликлар сабаб бўлган, деб ҳисобланади. Бу ерда Марғиёнада азалдан мавжуд бўлган қадимги уруғ демократиясининг, ўз ҳукмронлиги остидаги ўтроқ ва кўчманчи халқларнинг бўйнига оғир солиқ тўловларини илаётган форс ҳукмдорларининг кучайиб бораётган таъсирига кўрсатган қаршилиги намоён бўлган.

Масаланинг диний томони ҳам катта роль ўйнаган, деб тахмин қилиш мумкин, чунки зардуштийлик таълимоти айна Марғиёнада ижтимоий жиҳатдан ўзига хос демократик кўринишлар қабул қилиб, деярли умумхалқ таълимотига айланган эди. Илк Аҳоманийлар даврида эса бу дин ҳали Эронда кенг тарқалмаган эди.

Марғиёнадаги қўзғолон қилич ва олов билан бостирилди. Беҳистун ёзуви матнидаги маълумотга кўра, ўлдирилган қўзғолончиларнинг ўзи 55000 кишини ташкил қилган. Демак, келтирилган рақам бўрттириб кўрсатганлиги эҳтимоли назарда тутилганида ҳам³⁵, бу қўзғолон кенг, умумхалқ миқёсида олиб

³⁴Академик В.В.Струвенинг фикрича, Фрада Марғиёна қўзғолончиларига кўмак берган саклар томон қочиб кутулган.

³⁵Ёзувнинг Марғиёнадаги қўзғолоннинг Бактрия сатрапи Дадаршиш томонидан буткул бостирилиши (мил. ав. 522 йил 10 декабрь) ҳақида ҳикоя қилинган бобил тилидаги матнида ҳам қўзғолончиларнинг талафотлари ҳақида маълумот бор (ўлдирилганлар 55243 нафар ва асирлар 6572 нафар). Ўлдирилганлар

борилганлигидан далолат беради. Қўзғолонни аввалига қабилалар бошлиқларининг курултойи бошқарди, сўнгра эса, “Фрада исмли бир эрни, марғиёналикни, уни улар энг катта қилиб қўйдилар” (Беҳистун ёзувларининг III, 11-12-сатрлари).

Қўзғолонни бостириш Бактрия сатрапи, форс Дадаршишга топширилган эди. У ўзига юкланган вазифани тезда бажарди ва қўзғолон мил. ав. 522 йилнинг охирларида бостирилди. Беҳистун битигига кўра, Доро Дадаршишга қуйидаги топшириқни берган: “Бор, ўша қўшинни тор-мор эт, у менга қарашли эмас” (III, 12-25).

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Доронинг қўзғолончиларга қарши ҳаракат қилишга шошилгани тасодифий эмас эди. Марғиёна ўз бойликлари (ривожланган чорвачилиги, деҳқончилиги, хусусан, узумчилик) ва кўп сонли аҳолиси билан Аҳоманийлар давлатида муҳим ўрин эгаллар эди. Бундан унинг Партава, Суғд, Хоразм ва Бактрия билан бир қаторда сатрапия сифатида ажратилганлиги далолат беради. Бунинг устига Марғиёна Гиркания билан чегарадош эди³⁶.

Тадқиқотчилар Доронинг бу юриши ҳақидаги ҳикояда унинг ғалабалари бўрттириб кўрсатилганлигига урғу берадилар ва қуйидагича тахмин қиладилар: унинг саклар бошлиғи Сқунхани қабиланинг бошқа аслзода намояндаси билан алмаштиргани сакларнинг қатъий ва кенг қўламда кўрсатган қаршиликлари олдида Доронинг фақат шу чора билан чекланишга мажбур бўлгани ва бу қаршилиқни бутунлай бостиришга кучи етмаганидан далолат беради.

сонининг асир олинганлар сонидан кескин фарқ қилиши, шубҳасиз, Дадаршишнинг қўзғолончилар кўрсатган қатъий қаршиликларига жавобан “ўт, қилич ва қон” ила олиб борган ҳаракати ва “асир олмаслик” принципига амал қилганлиги натижасидир. Археологик тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, Дадаршиш уюштирган вайронагарчиликлардан сўнг Марв воҳасининг ғарбий чегараларидаги айрим ерлар бўшаб қолган (Массон. Древнеземледельческая культура. Б. 91-92, 142).

³⁶ Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, у даврда Марғиёна Бактрия сатрапиясига кирар эди, бошқаларнинг фикрича эса, Марғиёна унинг таркибига мил. ав. 522 йилда киритилган бўлиб, бу Бактриянинг марғиёналиклар қўзғолонини бостиришдаги ёрдами учун мукофот эди.

Беҳистун битиги матнининг ўзбекча таржимаси эроншунос В.И.Абаев томонидан рус тилига қилинган янги таржимадан бажарилди.

Беҳистун битиги. Мен –Доро, буюк шоҳ, шаҳаншоҳ, Форс шоҳи, вилоятлар шоҳи, Виштаспанинг ўғли³⁷, Аршаманинг невараси, Аҳамоний³⁸.

Шоҳ Доро дейди: менинг отам –Виштаспа, Виштаспанинг отаси – Аршама, Аршаманинг отаси–Ариарамна, Ариарамнанинг отаси–Чишпиш³⁹, Чишпишнинг отаси – Аҳамон. Шунинг учун биз Аҳамонийлар деб аталамиз. Азалдан обрў-эътиборга эгамиз, азалдан уруғимиз шоҳона бўлган.

Менгача уруғимиздан саккиз (киши) шоҳ бўлган⁴⁰. Мен тўққизинчиман. Биз тўққиз (киши) кетма-кет шоҳ бўлганмиз. Ахура Мазданинг иродаси ила мен – шоҳман. Ахура Мазда менга давлат берди.

Куйидаги вилоятлар менга тегишли бўлди, Ахура Мазда марҳамати ила мен уларнинг шоҳи бўлдим: Эрон, Элам, Бобил, Оссурия, Арабистон, Миср, денгиз бўйи вилоятлари, Лидия, Иония, Мидия, Арманистон, Каппадокия, Партава, Дранғиёна, Ария, Хоразм, Бактрия⁴¹, Сугдиёна, Гандҳара, Скифия, Саттагидия, Арахосия, Мака: ҳаммаси бўлиб 23 та вилоят⁴².

³⁷Юнончада Гистасп – Куруш (Кир) саройидаги форс аслзодаси. Айрим олимлар уни Занд-Авестода эсга олинган шоҳ Виштаспа билан бир шахс дейдилар.

³⁸Яъни уруғ асосчиси Аҳамоннинг авлоди.

³⁹Юнончада Теиспес.

⁴⁰Доро I Аҳамонийлар сулоласининг олд вакиллари, яъни шоҳлар Куруш ва Камбизни назарда тутмоқда ҳамда ўзини уларнинг қариндоши сифатида тахтни эгаллашга қонуний ҳаққи бор эканлигини исботламоқчи.

⁴¹Аҳамоний ёзувларига кўра, Бактрия ғарбда ва жануби-ғарбда Ария билан, шимоли-ғарбда Хоразм билан, шимолда Сугд билан, жанубда Арахозия билан ва жануби-шарқда Гандҳара билан чегарадош эди.

⁴²Форс шоҳига бўйсунган вилоятлар куйидаги тартибда санаб ўтилади. Аввал Форсдан (юнончада Персидадан) ғарбда жойлашган вилоятлар: Элам (Сузиёна – ҳозирги Хузистон), Бобил (ҳозирги Ироқнинг маркази), Оссурия (ҳозирги Ироқ ва Суриянинг шимоли), Арабистон, Миср, денгиз бўйидаги вилоятлар; сўнгра Кичик Осиёдаги ва шимолий вилоятлар эслатилади: Лидия (Сард), Иония (Кичик Осиёнинг Эгей денгизи соҳили), Мидия (маркази ҳозирги Ҳамдон бўлган қадимги давлат, ҳозирги Курдистонга тўғри келади), Арманистон, Каппадокия (ҳозирги Туркиянинг марказий қисми); ва ниҳоят, шимоли-шарқий ва шарқийлар: Партава (ҳозирги Хуросон), Дранғиёна (ҳозирги Сеистон, Заранж шаҳри атрофлари), Ария (ҳозирги Ҳирот атрофи), Хоразм (Ўзбекистон), Бактрия, Сугдиёна (ҳозирги Ўзбекистон ва қисман Тожикистон), Гандҳара (Ганза), Скифия (Ўрта Осиё) – уни Қора денгиз бўйидаги Скифия билан адаштирмаслик керак, Саттагидия (Кобул), Арахозия (Қандаҳор атрофи), Мака (эхтимол, бу жануби-шарқий Эрон ва Покистондаги ҳозирги Мекрондир).

Бу вилоятлар менга тегишли бўлди. Ахура Мазда марҳамати билан улар менинг мулкимга кирди. Улар менга ўлпон келтирар эди. Мен уларга қилган барча фармонларимни – хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин, – улар бажо айлар эдилар. Бу вилоятлардаги дўст бўлган ҳар бир кишига мен хайр-эхсон қилар эдим, душманлик қилганини қаттиқ жазолар эдим. Ахура Мазданинг иродаси билан бу вилоятларнинг ҳаммаси менинг қонунларимга бўйсунар эдилар. Менинг барча буюрганларимни улар бажарар эдилар. Ахура Мазда менга бу салтанатни инъом этди. Ахура Мазда бу салтанатни қўлга киритишимда менга ёрдам берди. Ахура Мазда марҳамати билан мен бу салтанатга ҳукмронман.

Доро – шоҳ айтади: “Мен шоҳ бўлганимдан сўнг мана шу ишларни қилдим.” ...

...Сўнгра Гаумата⁴³ исмли бир киши, муғ, пайдо бўлди. У Аркадриш номли тоғ яқинидаги Пишявадда кўзғолон кўтарди. У кўзғолон кўтарганида вияхна ойининг 14-куни эди⁴⁴. Халқни у шундай алдар эди: “Мен – Бардия, Курушнинг ўғли, Камбизнинг укасиман”. Шунда бутун халқ кўзғолон кўтарди ва Камбиздан унинг томонига ўтди: Эрон ҳам, Мидия ҳам, бошқа вилоятлар ҳам. У (Гаумата) салтанатни қўлига олди...

...Мен келгунимга қадар ҳеч бир кимса Гаумата-муғга қарши бирор гап айтишга ботинмас эди. Сўнгра мен Ахура Маздага ибодат қилдим. Ахура Мазда менга ёрдам берди. Бу бағаядиш ойининг 10-куни эди⁴⁵, шу куни мен кам сонли одамларим билан Гаумата-муғни ва унинг кўзга кўринган

⁴³Гаумата – коҳин, ўзини Бардия (Курушнинг катта ўғли Камбизнинг укаси ва вориси) деб эълон қилган ва мил. ав.522 йилда Эронда ҳукуматни қўлига олган. Унга қарши чиққан Камбиз (форсча Камбужия) тез орада вафот этган ва 522 йилнинг июль ойига келиб Гаумата Аҳоманийлар давлатининг ҳаммаси бўлмаса ҳам, асосий қисмларининг ҳукмдори бўлиб қолган. Унинг ҳаракатларининг ижтимоий томонлари аниқ эмас ва тадқиқотчилар томонидан турлича талкин этилади. Тахмин қилиб айтиш мумкинки, у уруғ аъёнларининг имтиёзларини оддий халқ фойдасига қамайтиришга уринган (солиқлар миқдорини қамайтириш, оғир ҳарбий чақирикни уч йилга тўхтатиш). Мил. ав.522 йилнинг 29 сентябрида Гаумата йирик уруғ бошлиқлари томонидан ўлдирилган, тахтга эса Аҳоманийлар уруғининг кейинги авлоди намояндаси – Доро I ўтирган.

⁴⁴Мил.ав. 522 йил март ойи.

⁴⁵Мил. ав. 522 йил сентябри.

сафдошларини Мидиянинг Нисаййя⁴⁶ вилоятидаги Сикаяватиш номли қасрида ўлдирдим. Салтанатни ундан тортиб олдим.

Ахура Мазданинг иродаси билан мен шоҳ бўлдим. Ахура Мазда менга салтанатни берди. Бизнинг уруғдан олиб қўйилган салтанатни мен қайтариб олдим, уни асл кўринишида тикладим. Гаумата-муғ вайрон этган саждагоҳларни мен қайта тикладим. Мен халқдан Гаумата-муғ тортиб олган яйловларни, мулкларни, уй-жойни уларга қайтариб бердим. Мен мамлакатни аввалги кўринишида қайта тикладим: Эронни ҳам, Мидияни ҳам ва қолган вилоятларни ҳам. Тортиб олинганнинг ҳаммасини (эгаларига) қайтариб бердим. Ахура Мазданинг иродаси билан бунинг ҳаммасини мен амалга оширдим. Мен Гаумата-муғ тахтни яна тортиб олмаслиги учун бизнинг хонадонимиз (пойтахтини) ўз жойида қайта тиклашга эришдим.

Мен шоҳ бўлганимдан сўнг мана бу ишларни қилдим...

Мен Бобилда турган вақтимда қуйидаги вилоятлар мендан ажралиб чиқди: Эрон, Элам, Мидия, Оссурия, Миср, Партава, Марғиёна, Саттагидия, Скифия...

Доро – шоҳ айтади: Партава ва Гиркания⁴⁷ мендан ажралиб чиқдилар ва Фравартишга қўшилдилар. Менинг отам Виштаспа (Гистасп) Партавада эди. Халқ ундан юз ўғирди ва қўзғолон кўтарди. Шунда Виштаспа ўзига содиқ (қолган) лашкарни тортди ва Партавадаги Вишпаузатиш⁴⁸ шахри яқинида партаваликлар билан жанг қилди. Ахура Мазда менга ёрдам берди. Ахура

⁴⁶Қадимги Нисаййя шахрини баъзи тадқиқотчилар Эрон ясси тоғлигининг шимоли-ғарбий қисмидаги Рағиёна вилоятида бўлган ва бу ҳудуд ўзининг зотдор отлари билан машҳур бўлган, деб талқин қилишарди. Лекин Рағиёна вилоятининг маркази Рага ўрта асрлардаги Рай ва ҳозирги Техроннинг шарқи бўлганлигини ва бу ерлар ҳеч қачон зотли отлари билан машҳур бўлмаганлигини эътиборга олсак, бу фикр хато эканлигини кўрамиз. Аслида бу ерда ҳозирги Ашхобод ўрнидаги қадимги Ниса шахри назарда тутилаётганлиги шубҳасиздир, чунки у ерлар бир пайтлар Мидиянинг таъсир доирасига кирган ва ҳамиша ўзининг зотли отлари билан машҳур бўлган.

⁴⁷Гиркания – шимолий Эронда Каспий денгизидан жануби-шарқдаги ўлка, ҳозирги Горган остони.

⁴⁸Виспаузатиш шахрининг аниқ жойи номаълум.

Мазда иродаси билан Виштаспа қўзғолончилар қўшинини тор-мор этди. Жанг содир бўлганида бу вияхна⁴⁹ ойининг 22-куни эди.

Сўнгра мен Виштаспага форс лашкарини Рага (ҳудудидан) юбордим. Лашкар Виштаспа ҳузурига етиб келганида Виштаспа бу лашкарни (ўз қўмондонлиги остига) қабул қилиб, юришга чиқди (ва) Патиграбан⁵⁰ шахри яқинида, Партавада қўзғолончиларга қарши жанг қилди. Ахура Мазда менга ёрдам берди. Ахура Мазда иродаси билан Виштаспа қўзғолончилар қўшинини тор-мор этди. Бу жанг содир бўлганида гармапада⁵¹ ойининг 1-куни эди. Шундан сўнг мамлакат меники бўлди.

Партавада мен мана бу ишларни қилдим.

Доро – шоҳ айтади: Марғиёна деб аталмиш ўлка мендан ажралиб чиқди. Фрада исмли бир одам, марғиёналик, улар томонидан ҳукмдор деб эълон қилинган эди. Шунда мен ўз амалдорим, Бактрия сатрапи, форс Дадаршишнинг ҳузурига (киши) юбордим (ва) унга шундай дедим: “Бор ва мени тан олмаётган у қўшинни тор-мор эт”. Дадаршиш лашкар тортди (ва) марғиёналиклар билан жанг қилди. Ахура Мазда менга ёрдам берди. Ахура Мазданинг иродаси билан менинг лашкарим қўзғолончиларни тор-мор этди. Бу жанг содир бўлганида ассиядия⁵² ойининг 23-куни эди. Шундан сўнг мамлакат меники бўлди.

Мен Бактрияда мана бу ишларни қилдим...⁵³

Доро – шоҳ айтади: Ахура Мазда иродаси ила бир йил давомида қуйидагиларни амалга оширдим. Шоҳ бўлганимдан сўнг 19 та жанг бердим. Ахура Мазданинг иродаси ила мен (душманларни) енгдим ва 9 подшони асир этдим:

⁴⁹Мил.ав. 521 йил 8 март.

⁵⁰Патиграбан шахрининг ўрнини Партаванинг ғарбида, Гиркания яқинида деб тахмин қилиш мумкин.

⁵¹Мил.ав. 521 йил 12 июль.

⁵²Мил. ав. 521 йил 10 декабрь.

⁵³Марғиёнадаги қўзғолон бостирилганидан сўнг “Мен (Доро) Бактрияда мана бу ишларни қилдим” деган сўзлардан кўришиб турибдики, мил. ав. 533-522 йилларда Марғиёна Бактриянинг мулки бўлган. Академик В.В.Струвенинг тахминига кўра, Марғиёнанинг Бактрия таркибига кириши сатрап Дадаршишнинг марғиёналиклар устидан қозонган ғалабаси натижасидир.

Бири Гаумата-муғ эди, у: “Мен, Бардия, Курушнинг ўғлиман”, деб алдар эди. У Эронни ғалаёнга келтирди.

Бири Ассина, эламлик, у: “Мен – Элам шоҳиман”, деб алдар эди. У Эламни ғалаёнга келтирди.

Бири Надинтабайра, бобиллик, у: “Мен – Навухадуносур (Бухтунасур), Набониднинг ўғлиман”, деб алдар эди. У Бобилда ғалаён кўтарди.

Бири Мартия, форс, у: “Мен – Иманиш, Эламнинг шоҳиман”, деб алдар эди. У Эламда ғалаён кўтарди.

Бири Фравартиш, мидиялик, у: “Мен – Хшатрита, Увахштра (Киаксар)нинг уруғиданман”, деб алдар эди. У Мидияда ғалаён кўтарди.

Бири Чиссатахма, сагартялик, у: “Мен – Сагартя шоҳиман, Увахштра уруғиданман”, деб алдар эди. У Сагартяда ғалаён кўтарди.

Бири Фрада, марғиёналик, у: “Мен – Марғиёна шоҳиман”, деб алдар эди. У Марғиёнада ғалаён кўтарди.

Бири Вахiazдата, форс, у: “Мен– Бардия, Курушнинг ўғлиман”, деб алдар эди. У Эронда ғалаён кўтарди.

Бири Арака, армани, у: “Мен – Навухадуносур, Набониднинг ўғлиман”, деб алдар эди. У Бобилда ғалаён кўтарди⁵⁴.

Шу 9 подшони мен ўша жангларда асир этганман.

Бу исёнкор вилоятлар қўзғолон кўтарганлар, – ёлғон уларни исёнкор қилган⁵⁵, чунки улар (сохталар) халқни алдар эдилар, – Ахура Мазда уларни

⁵⁴Марғиёнадаги қўзғолонга бошчилик қилган Фрада фақат бир йилдан сўнг (мил. ав. 521 йилнинг 27 ноябридан сўнг) асир олиниб қатл этилганлиги унинг душманлар қўлига тушмаганлигидан ва 522 йилда ҳали қўзғолон бутунлай бостирилмаганлигидан далолат беради. Мил ав. 521 йил ёзида Патиграбан яқинидаги жангда Доро Эрондаги қўзғолончиларни ҳам тор-мор этган.

⁵⁵Қадимги форсларда зардуштийликдан илгари ҳам ёлғон энг оғир гуноҳ ҳисобланар эди.

менинг кўлимга топширди. Мен ўз ихтиёрим бўйича уларга нисбатан чора кўрдим...

Доро – шоҳ айтади: саклар лашкари билан денгиз ортидаги ўткир учли қалпоқ киядиган⁵⁶ саклар ўлкасига бордим.

Сўнгра мен денгиз яқинида кемалардан кўприкни ўз ўрнида қайта тикладим⁵⁷. Шу кўприкдан мен мамлакат бўйлаб ўтдим ва сакларни қақшатқич (зарба билан) енгдим, уларнинг бир қисмини тутиб асир қилдим, бошқа бир қисми кишанланган ҳолда ҳузуримга келтирилди ва уларнинг биринчисини, Сқунха⁵⁸ исмли энг каттасини улар ушладилар ва ҳузуримга келтирдилар. Мен ўз ихтиёримча у ерда бошқасини энг катта қилиб қўйдим. Сўнгра мамлакат меники бўлди...⁵⁹

Доро – шоҳ айтади: сен – кимса, келажакда мен ёзган бу ёзувларни ёки шу расмларни кўрганингда, уларни вайрон этма...

Агар сен бу ёзувларни ва расмларни кўриб, уларни вайрон этсанг ва кўлингдан келганича сакламасанг, у ҳолда Ахура Мазда сени урсин, уруғингни кириб ташласин ва нима қилаётган бўлсанг, яксон қилсин.

⁵⁶Бу ерда сак-массажет қабилаларининг икки тури ҳақида сўз кетаётганга ўхшайди: бири – денгиз ортидагилари, иккинчиси – ўткир учли қалпоқ киядиганлари. Қадимги форсча матнда буларнинг биринчисини “сака тиам-тара дарая”, иккинчисини “сака тиграхауда” дейилган. Баъзи тадқиқотчилар матннинг шу ерида “денгиз” (дарая) деб Орол денгизи назарда тутилган, деб тахмин қиладилар. Лекин Аҳамоний шоҳларнинг биронтаси бу денгиз ортига ўтганлиги ҳақида маълумот йўқ. Демак, “денгиз” деб бу ерда Каспий назарда тутилаётганлиги эҳтимолга яқинроқ.

⁵⁷Келтирилган жумла Каспий денгизи назарда тутилаётганлиги ҳақидаги фикрни тасдиқлайди, чунки бу ҳолда кемалардан ясалган кўприк Амударё устидан ўтказилганлигини кўрсатади. Қадим ва илк ўрта асрларда Амударё қуйи оқимида икки тармоққа ажралган: бири Орол денгизига ва иккинчиси Каспий денгизига қуйилган.

⁵⁸Унинг исми ҳақида қар.: Фрейман. Б. 235-240. Беҳистун ёзувининг тантанали-ғолибона матнига зид ўлароқ Полиен ўзининг “Ҳарбий хийлалар” (“Стратеген”)ларида ҳикоя қиладик, Доронинг сакларга қарши юришига жиддий қийинчиликлар ҳамроҳ бўлган. Кетма-кет сакларнинг учта йирик ҳарбий бўлинмаларига қарши ҳаракат қилишга тўғри келган ва фақат учинчиси Дорога жангсиз таслим бўлган. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, Полиен ҳақиқатан бўлиб ўтган воқеалар ҳақида сакланган хабарларга асосланган.

⁵⁹В.В.Струве матннинг шу ерининг бошқача таржимасини келтирган: “Доро – шоҳ айтади: “Сўнгра мен лашкар билан ўткир учли (тигра-хауда) қалпоқ киядиган сакларнинг кетидан қувиб, саклар ўлкасига йўл олдим. Бу сакларга мен ета олмадим. Мен денгизга етганимда, ўз лашкарим билан уни кечиб ўтдим (шубҳасиз, бу ерда Амударё назарда тутилаётган, чунки Доро на Каспий, на Орол денгизларини кечиб ўтган – А.А.). Сўнгра мен кўп сакларни ўлдирдим. Уларнинг бир бошлигини қўлга туширдим, у кишанда ҳузуримга келтирилди, мен уни қатл қилдим. Уларнинг Сқунха исмли бошқа бошлигини уларнинг ўзлари тутиб ҳузуримга келтиришди. Шунда улар устидан бошқа бошлиқни тайинладим, чунки менинг хоҳишим шундай эди. Сўнгра мамлакат меники бўлди” (Струве. Поход.Б. 242-244). Иккала таржимадаги фарқга сабаб шуки, В.В.Струве Беҳистун ёзувининг қаттиқ шикастланган бешинчи устунчасининг илк тикланган матнига асосланган.

Персепол ёзуви. Персепол – асосан Доро I ва Кайхусрав (юнончада Ксеркс) I даврида қурилган, ҳашаматли қасрлари бўлган Аҳамонийлар пойтахтларидан бири. Кейинчалик у охириги аҳамоний Доро III устидан қозонилган ғалабани нишонлаётган Македониялик Александр қўшинлари томонидан вайрон қилинган ва харобага айлантирилган. Персеполнинг тарихий обидалари орасида Аҳамоний шоҳларнинг, жумладан, Доро I нинг ёзувлари бор. Қуйида келтириляётган парча мазмун жиҳатидан юқорида келтирилган Беҳистун ёзуви матнига яқин.

1.2. “Ахура Мазда иродаси билан мен мана бу вилоятларнинг устидан форс халкининг кучи билан ҳукмронлик қилдим, улар мендан қўрқардилар ва менга ўлпон келтирардилар: Сузиёна, Мидия, Арманистон, Спарда, қитъадаги ва денгиздаги юнонлар ва қуёш чиқишидаги вилоятлар – сагартийлар, Партава, зариаклар(дранғиёнлар), Ария, Бактрия, Суғдиёна, Хоразмия, саттагидлар, Арахозия, Ҳиндистон, Гандҳария, саклар”.

Кайхусравнинг Персеполдаги девларга қарши ёзуви. 1935 йил Персеполда топилган икки тош жадвалдаги ёзувнинг санаси мил. авв. 486-480 йиллар билан белгиланади. У уч тилдадир (асосий матн қадимги форсий, қолганлари эса бобил ва элам тилларида). Ёзув – девларга (дайва – маҳаллий қабила маъбудлари, улар табиат ва жамиятнинг қора ва ёвуз кучларини ўзларида мужассамлаштирган руҳлар деб ҳисобланган) сиғинишга қарши ва Ахура Маздани ягона илоҳ деб тан олишга қаратилган қадимги Эрон диний ислоҳотининг акс садосидир.

Ёзувда акс эттирилган ҳодисалар айни қаерда содир бўлганлиги ҳақида олимлар бир фикрга келмаганлар. Бу Бобил, Эрон ёки Ўрта Осиёнинг вилоятлари бўлиши мумкин.

“Буюк парвардигор Ахура Мазда бу ерни яратди, шу осмонни яратди, одамни яратди..., Кайхусравни подшоҳ қилди...”

Шоҳ Кайхусрав айтади: “Ахура Мазда иродаси билан мен ҳукмронлик қилган мамлакатлар, Эрондан ташқари, (мана) булардир; мен уларни бошқарар эдим, улар менга ўлпон тўлар эдилар; буюрганимни улар бажо келтирар эдилар; менинг қонунига риоя қилар эдилар: Мидия, Сузиёна, Арахозия, Арманистон, Дранғиёна, Партава, Ария, Бахтария, Суғдиёна, Хоразм... даҳлар, Хаумаварга саклари, учи ўткир қалпоқли саклар... Ва шу мамлакатларнинг қай бирида олдин девларга сиғинар эдилар. Сўнгра, Ахура Мазда иродаси билан, мен бу девлар саждагоҳини вайрон қилдим ва “Девларга сиғинма”, деб амр қилдим... Ахура Мазда мени ва хонадонимни ва бу ўлкани ҳам (ҳар хил) бало-қазодан асрасин”.

Доро I нинг Ҳамадондаги қумуш пилакчадаги ёзуви. Ҳамадон яқинида тасодифан топилган қумуш пилакчадаги ёзув (бошқа бир олтин пилакча билан бирга) Доро I ҳукмдорлиги даврида Ўрта Осиё Аҳоманийлар мулкига кирганлигига яна бир далолат бўлиб хизмат қилади.

Бу пилакчани топган одам унинг устига ёзувлар ўйиб ёзилганига аҳамият бермай, қумушнинг баҳосидан келиб чиққан ҳолда, уни бошқа одамга сотиб юборган. У эса, ўз навбатида, бу пилакчани саккиз парчага бўлиб, қадимийётчига сотиб юборган. Бахтли тасодиф туфайли қумуш ва олтин пилакчаларнинг фотосуратлари сақланиб қолган. Айни шу суратлар бўйича аниқландики, михсимон ёзув қадимги форсий, элам ва бобил тилларида, яъни Аҳамонийларнинг айни ўша Беҳистун қояларидаги расмий ёзувларида, Персепол қурилмаларида, Сузадаги Артаксеркс (Артахшас) II устунларида учрайдиган битиклар тилларида ёзилган. Эҳтимол, қумуш пилакча (олтин пилакча билан бир қаторда) Доро I нинг Экбатана (ҳозирги Ҳамадон)даги мил. ав. 518 йилдан кейин қурилган саройининг пойдеворига кўмиб қолдирилгандир.

Асосий (қадимги форсий) матн (қолган иккиси – таржималар) қуйида А.А.Семенов нашри бўйича келтирилмоқда⁶⁰.

“Доро, буюк шоҳ, шаҳаншоҳ, ўлкалар ҳукмдори, Виштаспнинг ўғли, Аҳоманий. Доро – шоҳ айтади: менинг мулким бўлмиш бу мамлакатни – Суғдиёна ортидаги саклар (ўлкасидан) то Нубиягача ва Ҳиндистондан то Сардгача менга аста-секин Ахура Мазда инъом айлади, у эса худоларнинг энг буюгидир. Ахура Мазда менга ва менинг хонадонимга ҳомийлик қилсин”.

Доро I нинг қабридаги ёзув. Доро I Виштаспнинг қабридаги (Нақши Рустам қабристонида қоя ичидаги қабр)⁶¹ ёзув мазмунан ушбу ҳукмдорнинг ҳаётлигидаги бошқа ёзувлар матнига яқиндир.

“Доро – шоҳ айтади: “Мана мен Эрон чегараларидан ташқарида забт этган ўлкалар; уларни ўз ҳукмим остига олдим, улар менга ўлпон тўлар эдилар ва буюрганимга бўйсунар эдилар; менинг қонунимга риоя қилар эдилар ва бошқа қонунларга бўйсунмас эдилар: Мидия, Сузиёна, Партава, Ария, Бахтариёна, Суғдиёна, Арахозия, саттагидлар, гандҳариялар, ҳиндлар, сак-эмиргийлар⁶², ўқчи саклар, Бобил, Оссурия, Арабистон, Миср, Каппадокия, Спарда, Иония, денгиз орти саклари, скудрлар⁶³, чамбар тақиб юрувчи юнонлар, понтликлар, коссаклар, мациялар⁶⁴, колхлар⁶⁵”.

Доро I нинг Сузадаги ёзуви. Сузадаги миххат Эламнинг собиқ пойтахти бўлган ушбу шаҳарда форс шоҳларининг асосий қароргоҳларидан бири барпо этилиши ҳақида ҳикоя қилади. Ёзув матнида Ўрта Осиёга тааллуқли маълумот келтирилади.

⁶⁰ Семенов. Два новых исторических документа. Б. 59-61.

⁶¹ Таржима Л.В.Баженовнинг “Древние авторы о Средней Азии” (34-бет) китоби бўйича берилмоқда.

⁶² Қаумаварга саклари.

⁶³ Скудрлар (кадруқлар) – Копет-Доғ тоғ қабиалари.

⁶⁴ Коссаклар, мациялар – Кавказ шимолидаги қабиалар.

⁶⁵ Колхлар – Колхида (ғарбий) гуржилари.

“Доро – шоҳ айтади: Бу (қасрни) мен Сузада қурдим. Унинг безаклари олисдан келтирилган... Уака⁶⁶ ёғочи Гандҳара ва Кермондан келтирилган эди. Олтин... Сард⁶⁷ ва Бақтриядан келтирилар эди. Жавоҳирлар, ложувард ва лаъл Суғдиёнадан келтириларди... Тўқ кўкимтир ялтироқ тош (феруза?) Хоразмдан келтириларди”.

⁶⁶Эҳтимол, тик дарахти.

⁶⁷Кичик Осиёнинг ғарбий қисмидаги Лидиянинг пойтахти (ҳозирги Сарт).

2-БОБ. Аҳамонийлар даври Ўрта Осиё тарихи тарихшунослиги

2.1. Аҳамонийлар даврида Бактрия

Бактрия мил. ав. VI-IV асрларда Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бўлса-да, унинг моддий маданиятида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмаганлиги, яъни ўз йўлида ривожланганлиги кўплаб тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилганлиги хусусида ҳам тадқиқотчилар ўз фикрларини айтишган⁶⁸.

Аҳамонийлар империясининг XII сатрапи ҳисобланган Бактрия ўлкасида археологлар томонидан ўтган асрнинг 50 йилларидан бошлаб аҳамонийлар даври ёдгорликлари ўрганилиб келинмоқда. Дастлаб, Жанубий Тожикистон ҳудудидаги Қалаи Мир⁶⁹, Болдай тепа⁷⁰ ёдгорликлари ўрганилиб, шу тадқиқотлар асосида М.М. Дьяконов Бактрияда илк синфий муносабатлар ва давлатчилик бўйича дастлабки фикрларни айтди⁷¹. Сурхон воҳасида эса 60 йиллардан бошлаб Аҳамонийлар даври ёдгорликлари аниқланиб ўрганила бошланди⁷². Ҳозирги кунда эса фақат Сурхон ва Шеробод воҳаларида шу даврга оид ўнлаб ёдгорликлар аниқланган бўлиб, айрим ёдгорликлар тўлиқ очиб ўрганилди⁷³.

Аҳамонийлар даври ёдгорликларининг сони ортиб бориши билан тадқиқотчилар уларни суғорилиш шохобчаларига қараб районлаштириш масаласини ҳам ечишга киришганлар. Э.В. Ртвеладзе шу давр

⁶⁸Гафуров Б.Г. К 2500-летию Иранского государства. История иранского государства и культуры. М., 1971. С.5-37.

⁶⁹Дьяконов М.М. Археологические работы в нижнем течении реки Кафирниган. МИА., №37, 1958; Забелина Н.Н. Раскопки на городище Калаи-Мир. МИА, №37, 1958.

⁷⁰Зеймаль Т.И. Древнеземледельческое поселение Болдай-тепе. МКТ, Вып.2, Душанбе, 1971.

⁷¹Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии. СА, XIX, 1954.

⁷²Пугаченкова Г.А. Халчаян. Ташкент, 1966; Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа в Узбекистане. МСПИАРИ. Тезисы докладов, Баку, 1965.

⁷³Аскаров А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1979; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987; Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000.

ёдгорликларини 5 та суғорилиш районига (Уланбулоқсой, Шеробод, Бандихонсой, Миршоди, Вахшувар) бўлган бўлса, А.С. Сагдуллаев 8 та районга ажратган⁷⁴.

Аҳамонийлар даврида давлат бошқаруви усуллариининг такомиллашган формасининг жорий этилганлигини, ёдгорликларни суғориш иншоотларига қараб районлаштириш сиёсий ва ижтимоий тарих учун қам маълумотлар беришини инобатга олиб, Бактриянинг Аҳамонийлар даври ёдгорликларини деҳқончилик ўлкалари бўйича районлаштиришни таклиф этмоқчимиз. Шу услуб бўйича Шимолий Бактрия ҳудудида 7 та деҳқончилик ўлкаси, ҳар бир деҳқончилик ўлкасида эса 2-3 тадан суғорилиш районларининг мавжудлиги кузатилмоқда.

1. Шеробод деҳқончилик ўлкаси ўз таркибига Уланбулоқсой ва Шеробод суғорилиш районларини бирлаштириб, Шеробод воҳаси ва Кўҳитангтоғ яйловларини ўз ичига олган. Ўлканинг сиёсий маркази вазифасини Жондавлаттепа ёдгорлиги бажарган. Жондавлаттепа шаҳридан ташқари бу ерда Кучуктепа, Пшактепа, Талашқон I каби ёдгорликлар жойлашган.

2. Бойсун деҳқончилик ўлкаси ўз таркибига Сурхондарёнинг юқори оқимлари ҳудудларини ва Бойсун яйловларини бирлаштириб, бу ерда учта табиий суғорилиш иншооти жойлашган. Барча сув ўзанлари Бойсунтоғдан бошланиб, ўз сувларини Сурхондарёга қуяди. Булар Бандихон, Миршоди ва Сангардак-Тўполанг дарёларидир. Ушбу деҳқончилик ўлканинг маданий ва сиёсий маркази вазифасини Қизилтепа ёдгорлиги ўтаган.

3. Сурхон деҳқончилик ўлкаси ўз таркибига Сурхондарёнинг ўрта ва қуйи оқимлари ўзанлари ва яйловларини ўз таркибига олади. Маркази Хаитобод тепа⁷⁵.

⁷⁴Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени. СА. №2, 1975; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987.

⁷⁵Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000, С.17.

4. Кафирнигон деҳқончилик ўлкасида иккита суғорилиш райони бўлиб, биринчиси Кафирнигон дарёсининг Чангоб ўзани ҳудудларини бирлаштиради. Бу ерда Ҳисор қалъасининг қуйи қатламлари, Тупхона сополлари уюми ёдгорликлари жойлашган. Иккинчи суғорилиш райони Кафирнигон дарёси ўзанлари киради. Бу ерда Калаи-Мир ёдгорлиги ва Наҳри-калон канали жойлашган. Ўлканинг маркази Калаи-Мир ёдгорлиги ҳисобланади⁷⁶.

5. Вахш деҳқончилик ўлкасида ҳам иккита суғорилиш райони кузатилади. Булар Вахш дарёсининг Яван-су ўзани бўлса, иккинчиси Вахш дарёсининг чап қирғоқ ҳудудларини ўз ичига олади. Яван-суда Томошотепа ва Шўраисой ёдгорликлари, Вахшда эса Болдай тепа ёдгорлиги ва Болдай каналлари шу даврга оид⁷⁷.

6. Панж деҳқончилик ўлкаси шу номли дарё ўзанларини ўз ичига олиб, бу ўлкада Байтудашт ёдгорликлари жойлашган (Байтудашт I-VI). Воҳанинг маркази Байтудашт IV ёдгорлиги ҳисобланади⁷⁸.

7. Қизил-су деҳқончилик ўлкаси Қизил-су дарёсининг қуйи оқимларини ўз ичига олади. Бу ерда Мокини-мор ёдгорлиги жойлашган⁷⁹.

3. Ҳақимов Жанубий Бактриянинг шу давр ёдгорликлари тўртта деҳқончилик ўлкасида жойлашганлигини кузатган бўлса (Даштли, Фарухобод, Олтин-Дилёр ва Наибобод)⁸⁰, В.И. Сарияниди қуйидаги ўлкаларни кўрсатган: Шибирғон, Қундуз, Наибобод, Шўртўғай⁸¹.

Ҳар бир деҳқончилик ўлкасини Бактрия сатраплиги ҳудудидаги маҳаллий амалдорлар бошқарган кичик иқтисодий бирлашма сифатида

⁷⁶ Абдуллаев А.Л. Памятники раннежелезного века Южного Таджикистана. Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. М., 1983. С.3-4.

⁷⁷ Абдуллаев А.Л. Кўрсатилган асар. 3-бет.

⁷⁸ Абдуллаев А.Л. Кўрсатилган асар. 3-бет.

⁷⁹ Абдуллаев А.Л. Кўрсатилган асар. 3-бет.

⁸⁰ Ҳақимов З.А. Оазисное расселение в Бактрии эпохи раннего железа. Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. Тезисы докладов. (26-29 мая 1985 г. Далварзин-тепе). Ташкент, 1985. С.134.

⁸¹ Сарияниди В.И. Раскопки Тилля-тепе в Северном Афганистане. Вып.1, М., 1972. С.7.

эътироф этиш мумкин. Негаки, ҳар бир деҳқончилик ўлкасида биттадан шаҳар ва шу шаҳарлар атрофида 4-11 тагача қишлоқ типигаги ёдгорликларнинг жойлашганлигини кузатишимиз мумкин.

Бактриянинг Аҳамонийлар даври ёдгорликлари А.С. Сагдуллаев томонидан бешта типга бўлинган:

1. Тарқоқ ҳолда жойлашган қалъали қишлоқлар;
2. Тарқоқ ҳолда жойлашган катта қишлоқлар;
3. Мудофаа девори бўлмаган кичик қишлоқлар;
4. Мудофаа деворлари билан ўралган кичик қўрғонлар;
5. Шаҳарлар⁸².

Э.В. Ртвеладзе ҳам худди шунга ўхшаш типологияни таклиф этган, лекин у ҳарбий истеҳкомларни (қалъа) алоҳида тип сифатида ажратган⁸³.

Фикримизча, юқорида эслаб ўтилган ёдгорликлар типологиясида ёдгорликларнинг функцияси эътиборга олинмаган. Масалан, тўлиқ очиб ўрганилган Пишактепа ёки Пачмактепани улар таклиф этган типологиянинг қайси типига мансуб эканлигини айтиш қийин. Ёки, А.С.Сагдуллаев Кучуктепа ва Қизилча VI ёдгорликларини бир типга, яъни мудофаа деворлари билан ўралган қўрғонлар тоифасига киритилганлигини қандай тушуниш мумкин? Биринчиси тўрт метр қалинликдаги платформа устига қурилган, уч қатор мудофаа девори билан ўралган бўлса, иккинчиси ҳовлили кичик қўрғондан иборат бўлган ёдгорликлар бир тоифага киритилганлиги каби масалалар бизни ушбу масалага яна бир бор қайтишга ундади.

Шимолий Бактриянинг Аҳамонийлар даври ёдгорликларини қуйидаги олтита типга ажратиш мумкин:

⁸²Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа (по материалам памятников района Шурчи-Байсуна). Автореф. дисс. ... к.и.н. Л., 1978. С.7.

⁸³Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия - Средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (по материалам амударьинского правобережья). Автореф. дисс. ... д.и.н. М., 1988. С.8.

1. Арк ва шахристон қисмдан иборат бўлган, мудофаа деворлар билан ўралган, умумий майдони 22 гектаргача бўлган шаҳарлар. Шимолий Бактрия ҳудудида Қизилтепа, Хаитободтепа, Жондавлаттепа, Байтудашт IV, Қалаи Мир каби ёдгорликлар шаҳарлар тоифасига киради.

Диссертациянинг «Илк давлатларнинг археологик белгилари»га бағишланган қисмида шаҳар ва давлатларнинг ўзаро муносабатларига ва шаҳарларнинг ривожланиш босқичларига ўз муносабатимизни билдириб, илк давлатларнинг империялар босқичида шаҳарларнинг тоифаларга бўлинишини кўрсатиб ўтган эдик. Шимолий Бактрия ҳудудида жойлашган Қизилтепа шаҳридан бошқа биронта шаҳар типдаги ёдгорликни Бактр шаҳри ёдгорлиги билан таққослаб бўлмайди. Аҳамонийлар империяси XII сатраплигининг пойтахти бўлган Бактр шаҳри Бактрия ҳудудидаги энг йирик, пойтахт шаҳар харобасидир. Қолган шаҳарлар деҳқончилик ўлкаларининг маркази вазифасини бажарган. Аҳамонийлар даврида ҳар бир деҳқончилик ўлкасида биттадан шаҳарнинг жойлашиши кузатилмоқда.

2. Аркли қишлоқлар. Шаҳарлардан ҳудудий жиҳатдан кичик бўлиб, тарқоқ ҳолда жойлашган. Шу типдаги ёдгорликлар ирригацион районларнинг маркази вазифасини бажарган бўлиши мумкин. Улар ҳудудий жиҳатдан деҳқончилик ўлкасидан узоқроқ жойлашган ирригацион районларда учрайди. Шундай ёдгорликлар тоифасига Кучуктепа, Обиширтепа, Добилқўрғон тепаликлари киради.

3. Арксиз қишлоқлар. Бир ва бир неча тепаликлар мажмуасидан ташкил топган, мудофаа деворларига эга бўлмаган, тарқоқ ҳолда жойлашган ёдгорликлар. Шу типдаги ёдгорликларга Термиз шаҳри ҳудудидаги Номсизтепа, Бандихонсойтепа, Бобиртепа, Болдайтепа, Байтудашт I тепаликларини киритиш мумкин.

4. Қўрғонлар. Бир ва бир неча патриархал оилага мўлжалланган, ҳудудий жиҳатдан энг кичик бўлган, алоҳида жойлашган қўрғонлар. Мисол тариқасида Қизилча I-XI, Байтудашт II-III ёдгорликларини кўрсатиб ўтиш

мумкин. Ушбу тип ёдгорликлар Қизилча VI мисолида А.С. Сагдуллаев томонидан батафсил ўрганилган⁸⁴.

5. Ҳарбий истехком, қалъалар. Алоҳида жойлашган, ўз замонасининг энг мукаммал мудофаа иншоотларига, яъни 5 метр қалинликдаги мудофаа деворлари ва буржларига эга бўлган ёдгорликлар тоифаси. Доира шаклида қурилган Талашқон I, квадрат шаклидаги Бандихон II ёдгорликлари ҳарбий истехкомлар тоифасига киради⁸⁵.

6. Ибодатхоналар. Ушбу тоифадаги ёдгорликларга Пачмактепани киритиш мумкин. У пиллапоя услубида, квадрат шаклида қурилган платформа бўлиб, Ш.Р. Пидаев томонидан платформа устида қурилма қолдиқлари аниқланган. Тадқиқотчи ушбу ёдгорликни олов ибодатхонасининг ўрни деб ҳисоблайди⁸⁶.

7. Маълум мақсадга йўналтириб қурилган ёдгорликлар мажмуасига Пшактепани киритиш мумкин. У А.А. Асқаров томонидан ўрганилган. Ёдгорликнинг марказий қисмида коридор шаклли узун иккита хона жойлашган бўлиб, улар арк услубида ёпилган. Ушбу хоналарнинг икки ёнида ҳовлисифат катта хоналар жойлашган. Ушбу мажмуанинг атрофларида ҳам коридорсимон, узун хоналар жойлашган. А.А. Асқаров ушбу ёдгорликни Кучуктепа ҳукмдорларининг хилхонаси бўлган деб ҳисоблайди⁸⁷.

Географик жиҳатдан Пачмактепа Жондавлаттепанинг, Пишактепа эса Кучуктепанинг ёнида жойлашган. Жондавлаттепа ва Кучуктепа Бактриянинг Аҳамонийлар даврига оид энг асосий, сараҳоли ёдгорликларидан ҳисобланади. Фикримизча, Пачмактепа ва Пишактепа ёнидаги ёдгорликлар - Жондавлаттепа ва Кучуктепа ёдгорликлари аҳолисининг маънавий эҳтиёжлари учун хизмат қилган.

⁸⁴Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987.

⁸⁵Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000. С.50-64.

⁸⁶Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середины I тысячелетия до н.э. ОНУз, № 11, 1973. С.77-82; Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии. Древняя Бактрия. Л., 1974.

⁸⁷Асқаров А.А. Пшактепа. ИМКУ. Вып. 17, Ташкент, 1982. С.33-37.

Шимолий Бақтриянинг Аҳамонийлар даври ёдгорликлари ва уларнинг
жойлашиши

Деҳқончил ик ўлкалари	Ўлка маркази	Аркли қишлоқ	Арксиз қишлоқ	Қўрғо н	Қалъа	Мақсадл и ёдгорли к
Шеробод	Жондавл аттепа	Кучуктепа , Добилқўр ғон			Талашқ он I	Пишак, Пачмак тепа
Бойсун	Қизилте па	Обишир	Бандихон -сойтепа	Қизил ча I-XI	Бандихо н I	
Сурхон	Хаитобо д	Шўроб				
Кафирниго н	Қалаи Мир		Бобуртеп а Болдайте па			
Панж	Байтудаш шт		Байтудаш т I	Байту дашт II-III		

Аҳамонийлар даври ёдгорликларини типларга ажратиш шуни кўрсатадики, бу даврга келиб икки қисмли шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг жойлашиши маълум бир қонуниятга асосланган. Ҳар бир деҳқончилик ўлкасида биттадан шаҳарнинг жойлашиши ва шу шаҳар атрофида қишлоқларнинг жамланиш жараёнини кузатишимиз мумкин.

Қишлоқлар ҳам топографик жиҳатдан икки типга ажралади. Шаҳарга яқин қишлоқлар тарқоқ ҳолда жойлашган уйлар мажмуасидан иборат бўлса, шаҳардан узоқда, алоҳида ирригацион районда жойлашган қишлоқлар аркли бўлиб, шаклланиб келаётган аристократларни эслатади.

Шу давр ёдгорликлари мисолида зардуштийликнинг ривожланганлигини кўрсатувчи - алоҳида қурилган, Пачмактепа каби ибодатхоналарни ҳам кўришимиз мумкин.

Аҳамонийлар империяси тузумининг ҳарбий деспотизм эканлигини тасдиқловчи ҳар бир деҳқончилик ўлкасида алоҳида қурилган ҳарбий истехкомлар - қалъаларнинг вужудга келганлигини кўришимиз мумкин (Талашқон I, Бандихон II).

Бақтриянинг аҳамонийлар даври ёдгорликларини, унинг моддий маданиятини ўрганиш ва бошқа ҳудудлар билан таққослаш натижасида шундай хулосага келдикки, Бақтриянинг Аҳамонийлар империяси таркибида ўз ўрни бўлган. Бақтрияликлар Эрон Аҳамонийлари ҳарбий қуроллариининг такомиллашувига катта ҳисса қўшишган. Ўрта Осиё қуроллариининг, ҳар хил тақинчоқларнинг ва металлдан ишланган идишларнинг Эронга олиб борилганлиги Персеполь релефларида ифодаланган расмларда кўринади⁸⁸. Ундан ташқари металл қалқонли, отлари ҳам қалқон билан ҳимоя қилинган жангчиларнинг, яъни шу тарзда қуролланиш одатининг Аҳамонийлар даврида Эронга, ундан олд Осиёга ва Ҳиндистонга тарқалганлиги кўплаб

⁸⁸Gerold Walser. Persepolis. Tübingen, 1980. P.32-34.

тадқиқотчилар томонидан зикр этилади⁸⁹. Бу маълумотлар ҳарбий соҳанинг ривожланганлигини кўрсатади.

Яратилаётган илмий асарларда Аҳамонийлар даврида сунъий суғоришга асосланган деҳқончиликнинг ҳар томонлама ривожланганлиги хусусида фикрлар мавжуд. Бунга мисол қилиб тадқиқотчилар Кафирнигон ва Вахш дарёларидан воҳалар томон қазилган каналларни, Сарикамиш делтаси бўйларида ўрганилган, Кўзалиқир ёдгорлиги атрофида жойлашган Қадимги Хоразм каналларини ёки Куняуаз каналларини мисол қилиб кўрсатадилар⁹⁰.

Бизгача етиб келган ёзма манбалар асосида айтиш мумкинки, Аҳамоний шоҳлар ва сатраплар деҳқончиликни ҳар томонлама ривожлантириш тарафдори бўлган. Ксенофонтнинг хабарига кўра «... шоҳ ҳар йили империя ҳудудидаги деҳқончилик далаларини ўзи айланиб чиқишга ҳаракат қилган, кўрмаган ерларни эса ишончли одамлари орқали текширтирган. Яхши ҳосил етиштирган деҳқонлар шаҳаншоҳдан ҳар хил қимматбаҳо совғалар олишга муяссар бўлган»⁹¹.

Сунъий суғоришнинг яна бир тури - кориз қозиш усулига Аҳамонийлар даврида асос солинганлигини И.В. Пьянков ишончли манбалар асосида исботлаган. У Полибий хабарлари асосида, яъни унинг Салавкийлар шоҳи Антиох III нинг Парфия чўлларида ўтиш даврида ер ости каналларига дуч келганлиги ва бу каналларнинг форсийлар даврида қазилганлиги ва бу янгилик учун парфияликларнинг форс шоҳидан совғалар олганлиги хусусида маълумотлар қолдирган⁹².

Маълумки, Шеробод воҳасидаги Уланбулоқсой ўзанининг бошланғич оқимлари Добилсой деб аталади. Добилсойнинг ўнг соҳилида Добилкўрғон

⁸⁹Гафуров Б.Г. К 2500 летию Иранского государства. История Иранского государства и культуры. М., 1971. С.5-37.

⁹⁰Зеймаль Т.И. Древние и средневековые каналы Вахшской долины. СНВ. - Вып.10. - М., 1971. С.50-52; Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху. ИТН, Глава V, Душанбе, 1998. С.266; Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. М., 1969. С.151-157.

⁹¹Пьянков И.В. Кўрсатилган асар. С.267. Ксенофонт. Домострой, IV, 8.

⁹²Полибий, X, 28; Пьянков И.В. Кўрсатилган асар. С.267.

ёдгорлиги жойлашган бўлиб, бу ёдгорликка илк темир даврида асос солинганлиги Э.В. Ртвеладзе томонидан қайд этилган⁹³. Добилсой ёдгорлигидан 10-12 км қуйида Ғоз қишлоғи жойлашган. Шу қишлоқ ҳудудида 4 та кориз услубида қурилган сунъий суғориш шохобчалари жойлашган. Ушбу коризларнинг ёшини албатта шу ерда жойлашган ёдгорликлар ёрдамида аниқлашимиз мумкин. Бу ерда учта ёдгорлик жойлашган бўлиб, энг қадимгиси Ғоз тепа бўлиб, илк темир даврига оид. Шу ёдгорликдан илк темир даврига оид сополлар мажмуалари ва тошдан ясалган кели топилдики, шу топилмалар асосида Ғоз қишлоғида жойлашган коризларни илк темир даври билан саналаш мумкин.

Аҳамонийлар даврида деҳқончиликнинг янада ривожланганлигини яна бир археологик манба - темирдан ясалган меҳнат қуролларининг пайдо бўлиши ва кенг ёйилиши мисолида кўришимиз мумкин. Шимолий Бактриядаги Қизилча VI қўрғонидан топилган темир ўроқ, Қадимги Хоразмдаги Кўзалиқир, Дингилже, Сўғд ҳудудидаги Афросиёб каби ёдгорликлардан топилган, темирдан ясалган меҳнат қуроллари бунга мисол бўлади⁹⁴.

И.В. Пьянков тадқиқотларига кўра Аҳамонийлар даврида ер эгаллигининг «патбажик» ва «узбарья» каби турлари мавжуд бўлган. Агар патбажик ерларидан олинган ҳосил тўлиқ шаҳаншоҳ саройи хўжалиги учун сарфланган бўлса, узбарья ерларидан олинган ҳосилнинг бир қисми сарой ғазнасига жўнатилган⁹⁵.

Аҳамонийлар даврида ҳунармандчилик Қадимги Бактрия маданияти даврида қай йўсинда ривожланган бўлса, шу тарзда давом этган. Ҳунармандчилик соҳаларининг бирор тармоғида Эрон Аҳамонийлари

⁹³Ртвеладзе Э.В. Разведочное изучение памятников на юге Узбекистана. Древняя Бактрия. Л., 1974.

⁹⁴Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987. С.31; Толстов С.П. Работы Хорезмской археолого-этнографической экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. Труды ХАЭЭ. Т.2, М., 1958. С.149; Воробьева М.Г. Дингилдье. Усадьба середины I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. М. 1973. С.153-154; Тереножкин А.И. Согд и Чач. КСИИМКА. 1950. С.150-173.

⁹⁵Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху. ИТН, Глава V, Душанбе, 1998. С.267.

анъанасининг таъсири сезилмайди. Бактрия ва Марғиёнада қадимги бактрия маданияти кулолчилиги ўзининг энг ривожланган палласига киради. Кучук IV даври сополларининг 14 та типга ва кўплаб вариантларга бўлиниши фикримиз далилидир⁹⁶. Шу даврга келиб, сополли маданиятига характерли бўлган вазаларнинг тикланиши ҳам кулолчиликнинг ривожланганлигидан далолатдир (Расм №54). Кучук IV даври сополлари империянинг катта қисмига ёйилади. Эрон Аҳамонийларининг асосий ёдгорликлари бўлган Нади Али⁹⁷ ёки Сват⁹⁸ ёдгорликларидан кучук IV даври кулолчилиги ашёларининг топилиши Бактрия-Марғиёна кулолчилик анъаналарининг Аҳамонийлар даврида унинг энг ривожланган шаҳарларигача ёйилганлигидан гувоҳлик беради. Сват ёдгорлигида тадқиқотлар олиб борган Киара Силви Антонини Сват кулолчилигидаги бу ўзгаришларни Бактрия ва Марғиёнадан излайди ва Ўрта Осиё кулолчилиги анъаналарининг Эрон кулолчилигига таъсири деб баҳолайди⁹⁹.

Аҳамонийлар империясида, умуман Эронда тоштарошлик, тошга ишлов бериш бронза давридан бошлаб энг ривожланган ҳунармандчилик тури бўлган. Аҳамонийлар империяси даврида тоштарошлик санъат даражасига кўтарилган. Суза, Персополь саройлари қурилиши, Персополь қоя тош суратлари бунга мисол. Ҳаттоки, Эрон Аҳамонийларида энг ривожланган тоштарошликнинг Ўрта Осиёга таъсир этмаганлиги Аҳамонийларнинг империя ҳудуди бўйлаб маданий юриш қилмаганлигидан далолатдир.

Аҳамонийлар даврида Бактрияда тоштарошлик ҳам ўз анъаналари бўйича ривожланган. Тошдан тегирмон тош, ўғир, қайроқлар, мунчоқлар ясалган. Бу борада Ғоздан топилган ўғирга тўхталиб ўтишни лозим кўрдик,

⁹⁶Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, изд. «А.Кодирий», 2000. С.93.

⁹⁷Chirshman R. Village Perse-Achemenide. Paris, 1954.

⁹⁸Antonini C.S. Swat and Central Asia. «East and west». Vol.19. Rome, 1969.

⁹⁹Antonini C.S. Кўрсатилган асар. 100-115 бетлар.

негаки бу топилма, Ўзбекистон ҳудудида ёзувнинг пайдо бўлиши хусусида янги маълумотлар беради.

Кели юмшоқ таркибли монолит тошдан ясалган бўлиб, баландлиги 22 см, эни 20 см. Кели косасининг чуқурлиги 12 см. Идишнинг ташқи тарафида 13 та пиктографик белгили ёзувлар мажмуаси жойлашган (Расм №56). Маълумки, сополли маданиятининг илк даврида пиктографик белги-ёзувларнинг тарқалганлиги хусусида фикр юритган эдик. Ғоз қишлоғи-ёдгорлигидан ушбу топилманинг топилиши Бақтрияда пиктографик ёзувнинг ривожланиши тўғрисида янги маълумотлар беради.

Ўғир (кели) форс тилида «ҳована» деб аталиб, маздапарастликда оташкаданинг энг муҳим ашёларидан бири ҳисобланган. Ҳавм гиёҳи ҳованада янчилган ва ундан ҳавм урф-одатида ишлатиладиган шарбатлар тайёрланган.

Зардуштийликда бомдоддан чошгоҳгача бўлган вақтда ўқиладиган дуолар - номоз «ҳовангоҳ» деб аталади. Ҳована термини яна бир диндорлар гуруҳи, зардуштийликдаги дин пешволари - «ҳован»лар билан ҳам боғланади. Ҳованлар илоҳий Язишна маросимини ўтказишда масъул кишилар ҳисобланиб, ҳавм шарбатини тайёрлаш уларнинг зиммасида бўлган.

Келининг ясалиши илк темир даврига оид тоштарошликдан гувоҳлик берса, вазифаси хусусида унинг зардуштийлик динида илоҳийлик маъно касб этиши юқорида келтириб ўтилган маълумотлардан маълум бўлади.

Сўнгги бобга хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, биринчидан Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш усули ҳақиқий ҳарбий деспотизм бўлган. Негаки, Аҳамонийларга давлатни идора қилишнинг қонун чиқарувчи, ижро ёки суд органлари каби бошқарув усуллари умуман бегона бўлган. Шох ёки шохлар-шоҳи барча ҳокимият эгаси ҳисобланган.

Иккинчидан, янги маълумотларга кўра Кичик Осиёда концелярия ишлари грек тилида, Каппадокия, Киликия, Сурия ва Фаластинда оромий

тилида олиб борилган, Мисрда эса Фиръавнлар замонидан қўлланиб келинаётган иероглифика давом этган бўлса, форсларда ва Ўрта Осиёда миҳхатсимон ва оромий ёзувлари қўлланилган. Бу маълумотдан шундай хулоса қилиш мумкинки, империя ҳудудида ягона оромий тили концелярия тили вазифасини бажармаган.

Учинчидан, Аҳамонийлар империяси даврида Бақтрия ҳудудида 11 та деҳқончилик ўлкасининг фаолият этганлиги кузатилди. Ҳар бир деҳқончилик ўлкасини Бақтрия сатраплиги ҳудудидаги маҳаллий амалдорлар бошқарган кичик иқтисодий бирлашма сифатида эътироф этиш мумкин. Негаки, ҳар бир деҳқончилик ўлкасида биттадан шаҳар ва шу шаҳарлар атрофида 4-11 тагача қишлоқ типигаги ёдгорликларнинг жойлашганлигини кузатишимиз мумкин.

Тўртинчидан, Ўрта Осиё халқлари х.э.ав. VI-IV асрларда Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бўлса-да, унинг моддий маданияти намуналарида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмайди. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилган.

2.2. Аҳамонийлар даврида Хоразм

Аҳамонийлар даврида Хоразм. Аксарият тарихчи-олимлар Ўрта Осиёнинг ўтроқ деҳқончилик воҳалари ва Хоразм мил. авв. 545–539 йиллар оралиғида Эрон Аҳамонийлари томонидан бўйсундирилган деган хулосага келганлар¹⁰⁰.

Кир II нинг мил. авв. 545 йилдан Ўрта Осиёда бошлаган истилочилик юришларини тадқиқотчилар уч босқичга бўладилар. Биринчи босқичда у Парфия ва каспийбўйи саклари устига, иккинчи босқичда Бактрия ва Аморгия саклари устига, учинчи босқичда Оролбўйи саклари (массагетлар) устига юриш қилади¹⁰¹.

Кир II нинг Бактрия, Парфия, Марғиёнага қилган юришлари бу ҳудудларнинг бўйсундирилиши билан тугаган бўлса, мил. авв. 530 йилда Оролбўйи кўчманчи қабилалари сак-массагетлар устига қилган юриши унинг учун муваффақиятсиз якунланган.

Кир II нинг массагетларга (“подшо Аморг сакларига”, яъни сакаравакларга, Ктесийнинг ривоятига кўра дербикларга) қарши юриши хоразм-эрон муносабатларига бевосита дахлдордир. С.П. Толстовнинг фикрича ҳарбий юриш ташкил этиш заруратининг ўзиёқ бу қабилалар Кирга бўйсунмаганлигини ва қисман унга душман бўлганлигини кўрсатади. Кир ҳозирги Хоразм ҳудудларига қадар кириб бормай, афтидан, унинг юришлари анча жанубий ҳудудлар орқали амалга оширилган¹⁰².

¹⁰⁰ Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. – М.: Наука, 1980. – С. 184; Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы ... – С. 28; Аскаров А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Фан, 1993. – С. 143.

¹⁰¹ Аскаров А. Ўзбек халқининг этногенези ... – Б. 132–134.

¹⁰² Толстов С.П. По следам ... – С. 105.

Оролбўйи саклари мил. авв. 518 йилда Доро I (522–486) томонидан истило қилинган¹⁰³. Доро I нинг Кирмоншоҳ шаҳри яқинидаги Беҳистун қоясига ёздирган зафарномасида тобе этилган 23 мамлакат ва халқлар орасида Хоразм ҳам қайд этилади. Нақши Рустам ёзувларида Доро I га хирож тўловчи шарқий вилоятлар орасида Хоразм ҳам санаб ўтилади. Суза шаҳридаги сарой қурилишида Хоразмдан феруза тоши (тўқ кўк ёқут) келтирилганлиги қайд қилинган. Шунингдек, Персепол шаҳрида Доро I ва Ксеркс саройига олиб борувчи тош пилалар деворларига Эрон аҳамонийларига тобе мамлакатлардан хирож олиб келган вакилларнинг бўртма расмларининг 8-қаторида суғдиёналиклар, 11-қаторида сака тиграхаудалар, 13-қаторида парфияликлар, 15-қаторида бактрияликлар, 17-қаторида эса хоразмликлар акс эттирилган бўлиб, хоразмликлар қўлларида дудам ханжар, жанговар ҳарбий болта, билагузук тутиб, от етаклаб келаётган ҳолда тасвирланган¹⁰⁴.

Эрон-Хоразм муносабатларига икки хил қараш мавжуд. Айрим олимлар Хоразм Эрон шоҳининг олий ҳокимиятини ва хирож тўлаш шартини ихтиёрий тан олган деб ҳисоблашса¹⁰⁵, бошқа олимлар саклар ва хоразмийлар тобе эмас, балки иттифоқчи ҳисобланганлар¹⁰⁶ дейишади. Бироқ шуниси аниқки, Хоразм бир мунча вақт суғд, арияликлар, парфияликлар билан биргаликда аҳамонийларнинг 16-сатраплигини ташкил этган¹⁰⁷.

Ксеркс (мил. авв. 486–465 й.) даврида Хоразм амалда Аҳамонийлар давлатининг таркибида бўлганлиги шубҳасиз. Чунки, Хоразм ва хоразмликлар билан боғлиқ маълумотлар мил.авв. V асрга оид ёзма манбаларда олдинги даврларга нисбатан кўпроқ учратилади. Жумладан, хоразмийлар Ксеркснинг Юнонистонга қилган юришларида қатнашганлар.

¹⁰³ Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези... – Б. 132–134.

¹⁰⁴ Аскарлов А. Ўзбек халқининг этногенези ... – Б. 132–134; Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Б. 31–32.

¹⁰⁵ Толстов С.П. По следам ... – С. 105–107.

¹⁰⁶ Гафуров Б.Г. Таджики (Древнейшая, древняя и средневековая история). – М.: Наука, 1972. Т. 1. – С. 229.

¹⁰⁷ Ставиский Б.Я. Средняя Азия и ахеменидский Иран // История Иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971. – С. 157.

Бунда улар Фарнакнинг ўғли Артабаз қўмондонлиги остида, фақат парфияликлар билан бир бирикмада юриш қилганлар¹⁰⁸.

Аҳамонийларнинг Олд Осиё ва Шимолий Африкадаги мулкларида хоразмлик ҳарбий бошлиқлар ва амалдорлар хизмат қила бошлаганлар. Хоразмлик Артаикт Дарданелл бўғозининг Европа қирғоғидаги Сеста шахрига ҳоким қилиб тайинланган. Хоразмлик Даргомон Элифантина (юқори Миср)даги асосан яҳудий кўнгилларидан иборат гарнизонда аскар бўлиб хизмат қилган¹⁰⁹.

Марказий Осиё ва жумладан Хоразмнинг Аҳамонийлар давлатига бўйсундирилиши бир томондан эркинлик ва мустақилликнинг йўқолишига олиб келган бўлсада, иккинчи томондан босқинчилик урушларига чек қўйиб, минтақада сиёсий барқарорликни таъминлади. Ягона пул тизими, давлат идора ишларининг яхши йўлга қўйилиши ҳудуднинг қўшни мамлакатлар билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларни яхшилади¹¹⁰. Хоразмда шу даврда Аҳамонийлар маъмуриятининг ишончли кишилари учун қурилган катта ва маҳобатли қалъа-қўрғонлар пайдо бўлди, ирригация хўжалиги ривожланди. Жойларда ўнлаб шаҳар типидagi манзилгоҳлар (Хазорасп, Хива, Бозорқалъа, Катта Ойбуйирқалъа, Девкескан) пайдо бўлди. Қурилиш ва меъморчиликда янги услуб ва анъаналар вужудга келди¹¹¹.

Хоразмни босиб олган Аҳамонийлар бу минтақага тайинланган ўз ноиби учун Қалъалиқир 1 да катта сарой қурилишини бошлаганлар. С.П. Толстовнинг фикрича, Хоразм ўз мустақиллигини тиклаши натижасида Аҳамонийлар ноиби учун бошланган қурилиш ишлари битмай қолиб

¹⁰⁸ История Узбекистана в источниках ... – С. 60

¹⁰⁹ Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 17.

¹¹⁰ Дандамаев М.А. Ахеменидское государство и его значение в истории древнего Востока / История Иранского государства и культуры. – М., 1971. – С. 94–102.

¹¹¹ Рапопорт Ю.А., Лапиров-Скобло М.С. Раскопки дворцового здания на городище Калалыгыр 1 ... – С. 144–146; Воробьева М.Г. Дингильже ... – С. 92, 113–117.

кетган¹¹². Айнан шу даврдан мустақил Хоразм давлатининг кўп асрлик тарихи бошланади.

Аҳамонийларнинг Хоразм устидан ҳукмронлиги мустаҳкам ва бардавом бўлмаган. Қадимги форс ёзувларида Хоразм охирги марта Артаксеркс II (мил.авв. 404–359 й.)нинг мақбараси деворларида қайд қилиниб, унда Хоразмийлар аҳамоний подшосининг солиқ тўловчилари эмас, балки унинг иттифоқчилари сифатида берилади¹¹³. Илгари маъмурий жихатдан Парфия билан битта сатрапликни ташкил қилган Хоразм Артаксеркс II замонида алоҳида маъмурий бирлик (сатраплик)га айланади¹¹⁴. Шу муносабат билан Хоразмда сатрап қароргоҳи сифатида Қалъалиқир 1 қурила бошланган¹¹⁵. Мазкур сатраплик афтидан узоқ ҳукм сурмаган. Мил.авв. IV аср ўрталарига келиб Хоразм Аҳамонийлар зулмидан узил-кесил озод бўлади. Эрон меъморий услубида қурилиши бошланган Қалъалиқир 1 да қурилиши ишлари тез орада тўхтаб қолади. Тарихий манбаларда Хоразмнинг кўрсатилган даврда Эронга тобе бўлганлиги тўғрисида ҳеч қандай маълумот йўқ. Ташкил топган мустақил Хоразм давлатининг ҳудуди афтидан, илгариги XVI-сатраплик чегараларига тўғри келган.

Доро III (мил.авв. 336–330 й.) қўшинларининг Арриан ёзиб қолдирган бизгача етиб келган мукаммал рўйхатида ва унинг Македониялик Искандарга қарши фожеали кураши йилларида Хоразм қўшинларининг иштироки умуман тилга олинмайди.

Қадимги Шарқнинг энг йирик давлати бўлган Аҳамонийлар салтанатига мил. авв. 334–330 йилларда Македониялик Искандар узил-кесил барҳам

¹¹² Толстов С.П. Работы ХАЭЭ АН СССР в 1949–1953 гг. ... – С. 167; Ўша муаллиф. Основные этапы ... – С. 58.

¹¹³ Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана ... – С. 107; Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы ... – С. 248.

¹¹⁴ Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. // ВДИ. – М., 1965. – № 2. – С. 42.

¹¹⁵ Вайнберг Б.И. Изучение памятников Присарыкамьшской дельты Амударьи в 70–80-гг. // Скотоводы и земледельцы левобережного Хорезма (древность и средневековье). Ч. I. – М., 1991. – С. 23.

беради. Салтанатнинг шарқий вилоятлари (Ария, Бактрия, Суғдиёна)ни эса Искандар 330–327 йилларда забт этади.

Хоразм македониялик истилочиларга нисбатан ҳам мустақил мавқеда турган. Аррианнинг ёзишича Хоразм шоҳи Фарасман 1500 отлик аскар билан 329 йилнинг қишида Бактрада қишлоғни ўтказётган Искандар ҳузурига ташриф буюради¹¹⁶. Квинт Курций Руф Хоразмшоҳ номини Фратаферн шаклида келтиради¹¹⁷. Ю.А. Рапопортнинг фикрича, Хоразмшоҳнинг исми Фарасман бўлиб, Фратаферн унинг ўғли бўлган. Хоразмшоҳ ўғлини Искандар қароргоҳига юборган. Юнон муаррихлари Искандар шуҳратини кўтариб кўрсатиш учун Фратафернни шоҳ деб ёзишган¹¹⁸. Фарасман (Фратаферн) Искандарга қолхлар ва амазонкаликларга қарши юриш қиладиган бўлса, иттифоқчилик қилишни таклиф қилади¹¹⁹. Искандарнинг навбатдаги режаси Ҳиндистонни эгаллаш бўлганлиги сабабли, Хоразм билан иттифоқ тузиб, Ҳиндистон юришидан кейин бу масалага эътибор қаратишни мўлжаллаган бўлиши мумкин. Аммо Искандар мил. авв. 325 йилда Ҳиндистонда Шарқ юришларини тўхтатиб Бобилга қайтади.

Хоразм мулкларининг қолхлар (Ғарбий Грузия) ва амазонкалар (Азов денгизининг шарқ томонидаги “гинекократ савроматлари”) билан қўшни бўлганлиги тадқиқотчиларни кўпдан бери қизиқтириб келади. А.Гутшмид ва В.В.Бартольд бу қўшничилик Хоразмнинг ҳукмронлиги Шарқий Европанинг жанубий-шарқий бурчагигача етганлигидан далолат беради деб ҳисоблаган эдилар. В.Тарн бундай деб ҳисоблаш эҳтимолдан узоқ дейди. Хоразмни унинг жанубий ва шарқий мулкларидан маҳрум этган ва бу томонларда янги-янги ҳудудларни босиб олишга йўл қўймаган Аҳамонийлар салтанати Хоразм ташқи сиёсатини шимолий-ғарбдаги ерларга нисбатан қайтадан кўриб чиқилишига сабаб бўлган бўлса керак. Археологик ва тарихий

¹¹⁶Арриан. Поход Александра/ Пер. М.Е. Сергеенко. – М. – Л., 1962. IV. 15.

¹¹⁷Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. ред. А.А.Вигасин. – М.: Изд-во МГУ, 1993. VIII. 1. 8.– С. 167.

¹¹⁸Рапопорт Ю.А. Краткий очерк ... – С. 34.

¹¹⁹Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 17.

маълумотлар шуни кўрсатадики, Орол бўйи сармат қабилаларининг ғарбга, скиф даштларига томон кучли ҳаракати айни мил. авв. IV асрга тўғри келади. Арриан келтирган маълумотлар асосида (бу маълумотларни Квинт Курций Руф ҳам тасдиқлайди) мазкур ҳаракатнинг орқасида хоразмшоҳларнинг – ўз ҳукмронлигини “Ранги (юнон муаллифларида Ра – Волга) сувлари соҳилидаги олий ҳукмдорлар ҳокимиятини билмайдиган мамлакатларга” (Авесто, Видевдат) ёйиш сиёсати ётган деб хулоса қилишимиз мумкин. С.П. Толстовнинг фикрича, мил.авв. IV асрда Хоразм Каспий денгизининг шимолий ҳудудларида гегемонликни даъво қилиш даражасида қудратга эга бўлган¹²⁰.

Кейинги воқеаларда Хоразмни Страбон тилга олиб, суғдларнинг халқ қаҳрамони Спитамен Искандардан қочиб Хоразмликлар юртида паноҳ топганлигини ёзади. Аммо Страбон Хоразмни массагетлар иттифоқи таркибида таърифлайди.

Мил. авв. 328 йилда Хоразм Спитамен бошчилигидаги кўзғолончиларнинг македонияликларга қарши курашини сак ва массагет отрядлари кучи билан қўллаб-қувватлайди, ҳамда Спитаменнинг ўзига бошпана беради. Спитамен ҳалок бўлган 328 йил кузидан кейинги даврлардаги Хоразм-Македония муносабатлари тўғрисида ёзма манбаларда ҳеч қандай маълумот қолмаган.

Шундай қилиб, юнон-македон итилосидан Ўрта Осиёнинг фақат иккита ҳудуди – Фарғона ва Орол денгизи бўйида сак-массагет қабилаларини бирлаштирган Хоразмгина ўз мустақиллигини сақлаб қолади.

Македониялик Искандар юришларидан кейинги даврлардаги Хоразм давлатида кечган воқеалар хусусида ёзма манбаларда маълумотлар деярли йўқ¹²¹.

¹²⁰Толстов С.П. Древний Хорезм ... – С. 17–18.

¹²¹Бартольд В.В. Работы по исторической географии... Т.III. – С. 544.

ХУЛОСА

Эрон Аҳамонийларининг Ўрта Осиёни босиб олишлари натижасида бу юрт халқлари давлатчилиги тарихида империя босқичи бошланади. Ўрта Осиёга Аҳамонийлар даврида давлатчилик бошқарувининг илғор усуллари кириб келган деган советлар даври тарихчиларининг айрим қарашларига танқидий муносабатда бўлишга мажбур бўлдик. Аҳамоний шоҳан-шоҳларнинг империяни бошқаришда олиб борган ишларининг тарихда номаълум томонлари ёритилди. Айниқса, рус тарихшунослигида Аҳамонийлар империясида ягона ёзув - оромий ёзуви қўлланилган деган маълумотларнинг ёлғон эканлиги ишончли маълумотлар асосида очиб берилди. Аҳамонийлар даврига оид археологик манбаларга қараганда, бу даврда моддий маданият ҳеч бир ўзгармасдан ерли маҳаллий халқ анъаналари асосида ривожланган. Билъакс, Ўрта Осиёликлар яратган зардуштийлик дини Аҳамонийларнинг давлат динига айланганлиги, бактрияликлар қуролларининг аҳамонийлар армиясининг асосий ҳарбий қуролига айланганлиги ҳам маълум. Демак, Ўрта Осиёликларнинг Аҳамонийлар империясида ўз ўрни бўлган ва фақат сиёсий жиҳатдан уларга бўйсунган.

Аҳамонийларнинг давлатни идора қилиш усули ҳақиқий ҳарбий деспотизмдир. Негаки, Аҳамонийларга давлатни идора қилишнинг қонун чиқарувчи, ижро ёки суд органлари каби бошқарув усуллари умуман бегона бўлган. Шоҳ ёки шоҳлар шоҳи барча ҳокимият эгаси ҳисобланган.

Янги маълумотларга кўра Кичик Осиёда канцелярия ишлари грек тилида, Каппадокия, Киликия, Сурия ва Фаластинда Оромий тилида олиб борилган, Мисрда эса Фиръавнлар замонидан қўлланиб келинаётган иероглифика давом этган бўлса, форсларда ва Ўрта Осиёда миххатсимон ва

оромий ёзувлари қўлланилган. Бу маълумотдан шундай хулоса қилиш мумкинки, Аҳамонийлар империяси ҳудудида ягона оромий тили канцелярия тили вазифасини бажармаган.

Аҳамонийлар империяси даврида Бактрия ҳудудида 11 та деҳқончилик ўлкасининг фаолият этганлиги кузатилди. Ҳар бир деҳқончилик ўлкасини Бактрия сатраплиги ҳудудидаги маҳаллий амалдорлар бошқарган кичик иқтисодий бирлашма сифатида эътироф этиш мумкин. Негаки, ҳар бир деҳқончилик ўлкасида биттадан шаҳар ва шу шаҳарлар атрофида 4-11 тагача қишлоқ типдаги ёдгорликларнинг жойлашганлигини кузатишимиз мумкин.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Ўрта Осиё халқлари мил. авв. VI-IV асрларда Аҳамонийлар империяси таркибига кирган бўлса-да, унинг моддий маданияти намуналарида, меъморчилик, шаҳарсозлик соҳаларида аҳамонийларнинг маданий таъсири сезилмайди. Ўзгаришлар географик бўлиниш ва сиёсий бошқарув соҳаларида амалга оширилган.

Ўзбекистон ҳудудида давлатчиликнинг шаклланиши ва ривожланиши борасида айтилган қисқача фикрлар шулардан иборат. Президентимиз ўз асарларида тарихни ёритишда бирёқламаликка, субъектив фикрларга йўл қўймаслик керак, **«фақат баҳс, мунозара, таҳлил меваси бўлган хулосаларгина бизга тўғри йўл кўрсатади»**¹²² деб ёзадилар. Шундай экан муаллиф бажарилган иш бўйича ҳолисона танқидни, фикр ва мулоҳазаларни қабул қилади, токи бу танқид ва мулоҳазалар фанимиз ривожига, ёритилаётган мавзунинг янада ишончлироқ бўлишига хизмат қилсин.

¹²² Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 134-бет.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қурамиз. Тошкент, «Ўзбекистон» нашриёти, 1999. 138-бет.
2. Абаев В.И. Антидэвовская надпись Ксеркса. Иранские языки. Труды Института языка и мышления АН СССР. Т.1. М., Л., 1945. С.134-140;
3. Абаев В.И. Два зароастризма в Иране. ВДИ, 1990, №4. С.198-207.
4. Абаев В.И. Надпись Дария о сооружении дворца в Сузе. Иранские языки. М., Л., 1945. С.130.
5. Абаев В.И. Пятый столбец Бехистунской надписи Дария I и Антидэвовская надпись Ксеркса. ВДИ. 1963, №3. С.113-118.
6. Абдуллаев А.Л. Памятники раннежелезного века Южного Таджикистана. Бактрия-Тохаристан на древнем и средневековом востоке. Тезисы докладов конференции посвященной десятилетию ЮТАЭ. М., 1983. С.3-4.
7. Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа в Узбекистане. МСПИАРИ. Тезисы докладов, Баку, 1965.
8. Андрианов Б.В. Древние оросительные системы Приаралья. М., 1969.
9. Арриан. Поход Александра/ Пер. М.Е. Сергеев. – М. – Л., 1962.
10. Аскарлов А.А. Қадимги Хоразм тарихига доир баъзи бир масалалар. Ўзбекистон этнологияси: янгича қарашлар ва ёндашувлар. ЎЗР ФА академиги Карим Шониёзов таваллудининг 80 йиллигига бағишланган халқаро илмий анжуман материаллари. Тошкент, 2004. 76-84 - бетлар.
11. Аскарлов А.А. Пшактепа. ИМКУ. Вып, 17, Ташкент, 1982. С.33-37.
12. Аскарлов А.А., Альбаум Л.И. Поселение Кучуктепа. Ташкент, 1979; Сагдуллаев А.С. Усадьбы древней Бактрии. Ташкент, 1987;
13. Аскарлов А.А., Ширинов Т.Ш. Ранняя городская культура эпохи бронзы юга Средней Азии. – Самарканд: Фан, 1993. – С. 143.
14. Воробьева М.Г. Дингилдже. Усадьба середины I тыс. до н.э. в древнем Хорезме. М. 1973. С.153-154;

- 15.Гафуров Б.Г. К 2500-летию Иранского государства. История иранского государства и культуры. М.,1971. С.5-37.
- 16.Гафуров Б.Г. Таджики (Древнейшая, древняя и средневековая история). – М.: Наука, 1972.
- 17.Геродот. История в девяти книгах. I, 153. (пер. Г.А. Страновского). Л., 1972.
- 18.Дандамаев М.А. Ахеменидское государство и его значение в истории древнего Востока / История Иранского государства и культуры. – М., 1971.– С. 94–102.
- 19.Дандамаев М.А. Бехистунская надпись как источник по истории начала царствования Дария I. Автореф. дисс. ... к.и.н. Л., 1958
- 20.Дандамаев М.А. Иран при первых Ахеменидах (VI в. до н.э.). М.. 1963;
- 21.Грантовский Э.А. Ранняя история иранских племен Передней Азии. М., 1970;
- 22.Дьяконов М.М. Очерк истории древнего Ирана. М., 1961;
- 23.Дандамаев М.А. Политическая история Ахеменидской державы
- 24.Дандамаев М.А. Социальная сущность переворота Гауматы. ВДИ, 1958, №4. С.36-50.
- 25.Дандамаев М.А., Луконин В.Г. Культура и экономика древнего Ирана. М., 1980.
- 26.Дьяконов И.М. Истории Мидии от древнейших времен до конца IV века до н.э. М.,Л., 1956;
- 27.Дьяконов М.М. Археологические работы в нижнем течении реки Кафирниган. МИА., №37, 1958;
- 28.Дьяконов М.М. Сложение классового общества в Северной Бактрии. СА, XIX, 1954.
- 29.Забелина Н.Н. Раскопки на городище Калаи-Мир. МИА, №37, 1958.
- 30.Зеймаль Т.И. Древнеземледельческое поселение Болдай-тепе. МКТ, Вып.2, Душанбе, 1971.
- 31.Зеймаль Т.И. Древние и средневековые каналы Вахшской долины.

- СНВ. - Вып.10. - М., 1971.
- 32.Квинт Курций Руф. История Александра Македонского. С приложением сочинений Диодора, Юстина, Плутарха об Александре / Отв. ред. А.А.Вигасин. – М.: Изд-во МГУ, 1993. VIII. 1. 8.– С. 167.
- 33.Массон В.М. Древнеземледельческая культура Маргианы. М.,Л.. 1959. С.140-149.
- 34.Массон В.М. Поход Александра Македонского в Среднюю Азию. ИТССР, 1957. С.65.
- 35.Пидаев Ш.Р. Материалы к изучению древних памятников Северной Бактрии. Древняя Бактрия. Л., 1974.
- 36.Пидаев Ш.Р. Открытие нового памятника середины I тысячелетие до н.э. ОНУз, № 11, 1973. С.77-82;
- 37.Пугаченкова Г.А. Халчаян. Ташкент, 1966;
- 38.Пьянков И.В. «История Персии» Ктесия и среднеазиатские сатрапии Ахеменидов в конце V в. до н.э. // ВДИ. – М., 1965. – № 2. – С. 42.
- 39.Пьянков И.В. Средняя Азия в Ахеменидскую эпоху. ИТН, Глава V, Душанбе, 1998. С.266;
- 40.Ричард Фрай. Наследие Ирана, М., 1972.
- 41.Ртвеладзе Э.В. Древняя Бактрия - Средневековый Тохаристан. Динамика историко-культурного развития (по материалам амударьинского правобережья). Автореф. дисс. ... д.и.н. М., 1988. С.8.
- 42.Ртвеладзе Э.В. К вопросу о фискальной службе в древней Средней Азии. ОНУз. 1999, № 9-10. С.55.
- 43.Ртвеладзе Э.В. К характеристике памятников Сурхандарьинской области ахеменидского времени. СА.. №2, 1975;
- 44.Ртвеладзе Э.В. Разведочное изучение памятников на юге Узбекистана. Древняя Бактрия. Л., 1974.
- 45.Сагдуллаев А, Мавлонов Ў. Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи (қадимги даврдан XIX асрнинг ўрталарига қадар). Тошкент, 2006.
- 46.Сагдуллаев А. Қадимги Ўзбекистон илк ёзма манбаларда. – Б. 31–32.

47. Сагдуллаев А.С. Культура Северной Бактрии в эпоху поздней бронзы и раннего железа (по материалам памятников района Шурчи-Байсуна). Автореф. дисс. ... к.и.н. Л., 1978. С.7.
48. Сагдуллаев А.С. Усадьбы Древней Бактрии. Ташкент, 1987.
49. Сарианиди В.И. Раскопки Тилля-тепе в Северном Афганистане. Вып.1, М., 1972. С.7.
50. Ставиский Б.Я. Средняя Азия и ахеменидский Иран // История Иранского государства и культуры. – М.: Наука, 1971. – С. 157.
51. Струве В.В. Восстание в Маргиане при Дарий I. Материалы ЮТАКЭ. Вып. I, Ашгабад, 1949. С.9-34;
52. Струве В.В. Поход Дария I на саков-массагетов. Изв. АН СССР, 1946, №3. С.229-250;
53. Струве В.В. Этюды по истории Северного Причерноморья, Кавказа и Средней Азии. Л., 1968;
54. Тереножкин А.И. Согд и Чач. КСИИМКА. 1950. С.150-173.
55. Тревер К.В. Александр Македонский в Согде. ВИ, 1947, №5.
56. Хакимов З.А. Оазисное расселение в Бактрии эпохи раннего железа. Творческое наследие народов Средней Азии в памятниках искусства, архитектуры и археологии. Тезисы докладов. (26-29 мая 1985 г. Далварзин-тепе). Ташкент, 1985. С.134.
57. Шайдуллаев Ш.Б. Северная Бактрия в эпоху раннего железного века. Ташкент, 2000.
58. Шайдуллаев Ш.Б. Шимолий Бактрия илк темир даври археологиясининг айрим муаммоли масалалари хусусида. Ўзбекистон-қадимда ва ўрта асрларда. (Республика ёш тарихчи олимлари анжуманининг маърузалари матн. 16-17 март). Самарқанд, 1992. С.34-36.
59. Antonini C.S. Swat and Central Asia. «East and west». Vol.19. Rome, 1969.
60. Chirshman R. Village Perse-Achemenide. Paris, 1954.
61. Gerold Walser. Persepolis. Tubingen, 1980. P.32-34.

ИЛОВА


М.А. ДАНДАМАЕВ, В.Г. ЛУКОНИН

КУЛЬТУРА
И ЭКОНОМИКА
ДРЕВНЕГО
ИРАНА









13. Ionians bringing the Great King tribute, as shown on a relief at Persepolis. Above them, instantly recognizable in their pointed hats, are the ambassadors of the Saka.
(The Art Archive/Dagli Orti)

